Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 126 (8.861) ◆ 1996 йил ◆ 23 октябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ТОШКЕНТ: ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ IV УЧРАШУВИ

Қардош халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётган бу анъанавий учрашувда иштирок этиш учун Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатимиз пойтахтига ташриф буюрдилар. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

21 октябрь куни Дўрмон қароргоҳида туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов учрашувни очиқ деб эълон қилар экан, кун тартибига давлатлараро гуманитар ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг тамойиллари ва ташкилий масалалари ҳақидаги, туркий тилли давлатлар муҳим саналарини байрам қилиш ҳақидаги, шунингдек, Тошкент Декларациясини қабул қилиш ва туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви ўрни ва муддатини белгилаш тўғрисидаги масалалар қўйилганини маълум қилди.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов сўзладилар.

Қардош давлатлар раҳбарлари туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар турли соҳаларда муваффақият билан ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этдилар. Бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ёқлаб фикр билдирдилар. Қардош халқларнинг муҳим тарихий саналарини биргаликда нишонлаш уларнинг ўзлигини англашида ва маънавий бирлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада тараққий эттиришда коммуникация тармоқларини мустаҳкамлаш ва йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни янада ривожлантиришни ёқлаб фикр билдирдилар.

Учрашув ниҳоясида қардош давлатлар Президентлари олий даражадаги анжуманнинг муҳим натижаси бўлган Тошкент Декларациясига имзо чекдилар. (Бу ҳужжат матбуотда эълон қилинмоқда).

Учрашувда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувини 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон пойтахтида ўтказишга келишиб олинди.

Олий даражадаги учрашув тугагач, Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳ. Алиев, Туркия Президенти С. Демирэл, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев журналистлар билан учрашиб, уларни олий даражадаги анжуман якунлари билан таништирди. Президентлар журналистларнинг турли саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

А. Тўраев олган сурат.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йил 8 августда Бишкекда олий даражадаги учрашувда қабул қилинган қарорга мувофиқ 1996 йил 21 октябрда Тошкентда олий даражадаги тўртинчи учрашувни ўтказдилар.

Улар:

Анқара баёноти, Истамбул ва Бишкек декларациялари узвийлигини тасдиқлаб;

турк тилида гаплашувчи давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик турли соҳаларда тез ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб;

тинчликни, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида ҳаракат қилиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларига содиқликни яна бир бор таъкидлаб;

мустақиллик, истиқлол, ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлиги, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликни ҳурмат қилиш қоидаларига асосланиб;

қардошлик алоқаларини янада ривожлантиришга интилиб;

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва меъёрларига мувофиқ равишда халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни сақлашга доир ўз мажбуриятларига риоя этиб;

ўз мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ва ҳамкорлик истиқболларини кўриб чиқиб, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашиб,

қуйидагиларни маълум қиладилар:

1. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатлари ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг ривожланишидан мамнуният изҳор қилдилар ва уларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

2. Давлат бошлиқлари демократия, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бозор иқтисодиёти тамойилларига қатъиян ва доимий содиқликларини яна бир бор тасдиқлайдилар.

3. Давлат бошлиқлари фан, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликдан катта мамнуният изҳор қилиб, ўз мамлакатлари ўртасидаги бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ҳамда туркий халқларининг буюк маданий-тарихий меросини оммалаштиришни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари **Турксўй** ташкилоти олдида туркий тилли мамлакатлар халқларининг маданияти, тили ва маънавий қадриятларининг муштараклилигига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида муҳим вазифалар турганини таъкидладилар ва бу ташкилотнинг таъсирини оширишни зарур деб ҳисоблайдилар.

4. Давлат бошлиқлари Тошкентдаги олий даражадаги тўртинчи учрашув буюк Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи кенг байрам қилинаётган даврда ўтаётганини эътиборга олиб, туркий тилли халқларнинг тарихи ва маданиятига улкан ҳисса қўшган жаҳон аҳамиятига молик буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ унутилмас саналарни биргаликда байрам қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

Давлат бошлиқлари **Турксўй** ташкилотига туркий маърифат билан боғлиқ тарихий саналар жадвалини ишлаб чиқишни, бу саналарни байрам қилишга маданият соҳасидаги халқаро ташкилотларни, биринчи навбатда ЮНЕСКОни жалб этиш имкониятларини ўрганиш вазифасини топширди. Буюк турк ҳоқонлигининг 1450 йиллигини биргаликда ўтказиш имкониятлари ўрганилсин ва туркий тилли давлатлар бошлиқларининг бу учрашувига шу масалага доир тадбирлар режаси тайёрлансин.

5. Давлат бошлиқлари туризм йўналишлари тармоғи ҳамда шунга мувофиқ равишда туризмнинг инфра тузилмаларини унинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган турли шаклларини кенгайтириш мақсадида, «Ипак йўлини қайта тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданий меросини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ва мунтазам ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

6. Давлат бошлиқлари ахборотларни айирбошлаш соҳасида вужудга келган ижобий тамойилларни мамнуният билан қайд этадилар ва туркий халқларнинг буюк маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш, оммалаштириш ва ёйишда ўз мамлакатлари оммавий ахборот ва алоқа воситаларининг бирғаликдаги ҳаракатларини кучайтириш зарур деган фикрни билдирдилар.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва турли соҳалардаги тажрибани айирбош қилиш мақсадида туркий тилли давлатлар маҳаллий бошқарувлари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ахд қилдилар.

7. Давлат бошлиқлари туркий тилли давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлигини барча чоралар билан ривожлантириш, турли даражадаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий интеграция жараёнларига кўмаклашиш, ўзаро савдо-сотиқдаги ғовларни бартараф этиш ва жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахслар хўжалик алоқаларини амалга ошириши чоғида ўзларининг халқаро мажбуриятларига путур етказмаган ҳолда товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучининг ягона бозорини барпо этиш мақсадида, улар учун қулай ҳуқуқий режим ўрнатишни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари тегишли давлат тузилмалари божхона ва транзит тадбирларини янада соддалаштириш, ўзаро савдо-сотиқни, молия ва банк операцияларини чеклаётган ва қийинлаштираётган ғовларни бартараф этиш чораларини кўришлари зарур деб ҳисоблайдилар.

8. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг бой табиий ресурсларини, биринчи навбатда табиий газ, нефт ва гидро энергетика ресурсларини ишга солишнинг ва қазиб чиқаришнинг ғоят муҳимлигини яна бир бор таъкидлайдилар. Улар энергия манбаларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун қувурлар ётқизиш ва электр линиялари қуриш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, у лойиҳаларга манфаатдор давлатларни, халқаро молия ташкилотларини, давлат тузилмалари ва хусусий тузилмаларни жалб этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни маъқуллаганини, Давлат бошлиқлари Туркия орқали Ўрта денгиз соҳиллари ва Европага нефт-газ қувурлари ётқизиш билан боғлиқ бўлган ва тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан бажарилган ишни мамнуният билан қайд этадилар.

9. Давлат бошлиқлари минтақада иқтисодий нақлиёт тизимларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, Транскавказ йўлагини ишга солган ҳолда транзит ва темир йўл алоқаси бўйича Сарас тўрт томонлама аҳдномасини (1996 йил) тезроқ амалга оширишни маъқулладилар ва Трасек лойиҳалари бўйича Европа Иттифоқи саъй-ҳаракатларини маъқулладилар.

Шунингдек, улар «Шимол-Жануб» транспорт йўлагининг бир қисми сифатида Ҳинд океанига чиқадиган «Марказий Осиё—Афғонистон — Покистон» транспорт йўлини барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

10. Давлат бошлиқлари БМТ Тараққиёт дастурини, Жаҳон банкини, Жаҳон валюта жамғармасини ва минтақа тараққиёт банкларини ўтиш даврида туркий тилли мамлакатларнинг ҳар бири учун ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, янада фаол ҳаракат қилишга чақирадилар.

11. Давлат бошлиқлари:

— базис ва махсус таълим сифатини оширишга, меҳнат кўникмалари ва касб тайёрлигини ривожлантиришга ҳамда малака оширишга алоҳида аҳамият бериб, маблағ ва инсоний ресурсларни ишга солиш йўли билан;

— фақат рақобатбардошли маҳсулот яратибгина қолмай, айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳасида иш жойларини ҳам барпо этадиган янги технологияларни оммалаштиришга кўмаклашиш йўли билан ўз мамлакатлари иқтисодий юксалишини рағбатлантиришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини оширишни маъқуллади.

12. Давлат бошлиқлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблигини яна бир бор таъкидладилар ва Орол денгизи атрофидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш юзасидан халқаро миқёсда қатъий чоралар кўришга чақирдилар.

13. Давлат бошлиқлари наркотик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш, уларга талаб ҳамда бундай моддалар оборотининг кўламлари ва ўсиш тамойилидан, шунингдек уларни ғайриқонуний равишда ташиш учун туркий тилли давлатлар ҳудудидан фойдаланиш мумкинлигидан ташвишланаётганликларини изҳор этиб, бангфурушликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширишга, шунингдек, наркотик моддалар оборотини назорат қилиш бўйича халқаро сиёсатга кўмаклашишга қатъий бел боғлаганликларини тасдиқлайдилар. Шу муносабат билан ҳозирги асрнинг 90-йилларида, айниқса, авж олган уюшган жиноятчилик бангфурушлик ва терроризм билан мустаҳкам боғлиқлиги ва терроризм учун молиявий манба бўлиб қолаётганидан хавотирда эканликларини таъкидлайдилар.

14. Давлат бошлиқлари терроризм ва сепаратизмнинг янги жунбушидан жиддий ташвиш изҳор қилиб, терроризм, сепаратизм ҳолларини (ким томонидан ва қандай мақсадда амалга оширилишидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини жиддий равишда камситгани учун) қаттиқ қораладилар ва ана шундай ҳолларга қарши кураш мақсадида жаҳон ҳамжамияти кўраётган чора-тадбирларни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар, уларни тезроқ ва кенг миқёсда амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар. Давлат бошлиқлари эндиликда чегара нималигини билмайдиган терроризм ва сепаратизмга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг зарурлигини яна таъкидладилар.

15. Давлат бошлиқлари БМТ ҳамда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларини очиқдан-очиқ бузиш оқибатида юз берган можаролар давом этаётганидан чуқур ташвиш билдирдилар ва мазкур қоидаларга сира кечикмай риоя қилишга чақирдилар.

Давлат бошлиқлари Арманистон билан Озарбойжон ўртасидаги можарони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарори асосида тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини тасдиқладилар ва бу можаронинг бартараф этилмагани минтақада тинчлик жараёнига, ишонч ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга путур етказаётганини таъкидладилар.

16. Давлат бошлиқлари ўзаро маслаҳатлашувлар ва ташкилий-техник ишларни мунтазам ўтказиб туриш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, туркий тилли давлатлар бошлиқлари учрашувининг котибиятини тузиш тўғрисида келишиб олдилар. Котибият тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш Ташқи ишлар вазирликларига топширилди. Котибият зиммасига туркий тилли давлатлар бошлиқлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари учрашувларига материалларни тайёрлаш, туркий тилли давлатлар тили, маданияти ва ютуқларини тарғиб қилишга бағишланган семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиш, туркий халқларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги пайтдаги ҳаёти тўғрисида тарихий-адабий манбаларни излаш, саралаш ва нашрга тайёрлашга доир вазифалар юклатилди.

17. Давлат бошлиқлари самимий ва дўстона вазиятда ўтган Тошкент учрашуви туркий тилли давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш ишида шубҳасиз муҳим босқич бўлади, деб таъкидладилар.

Анқарадаги олий даражадаги учрашувнинг бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, давлат бошлиқлари навбатдаги учрашувни 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон Республикаси пойтахтида ўтказишга келишдилар.

Ушбу Декларация 1996 йил 21 октябрда Тошкент шаҳрида ҳар бири турк ва рус тилларидаги олти нусхада имзоланган.

Озарбайжон Республикаси Президенти
Ҳайдар АЛИЕВ

Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти
Асқар АКАЕВ

Туркия Республикаси Президенти
Сулаймон ДЕМИРЭЛ

Туркманистон Президенти
Сапармурод НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида, хусусан, туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар халқлари томонидан ҳам кенг нишонланмоқда. Қардош мамлакатларда буюк бобомиз юбилейи муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Туркий дунёда муҳим аҳамиятга эга бу каби саналарни биргаликда нишонлаш халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Олий даражадаги Тошкент учрашувида қатнашган туркий тилли давлатлар раҳбарлари — Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда соҳибқирон юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов 22 октябрь куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонлар Амир Темур юбилейи арафасида қуриб битказилган музей, унинг соҳибқирон ҳаёти, темурийлар даври ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлари билан танишдилар. Меҳмонларга Амир Темур шахси билан боғлиқ ноёб ёдгорликлар тарихи ҳақида сўзлаб берилди.

Олий мартабали меҳмонлар музейнинг эсдалик китобида дастхат қолдирдилар.

Президентлар Ўзбекистон Биржа марказига ҳам ташриф буюриб, марказнинг фаолияти билан танишдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев таваллудининг қутлуғ 660 йиллик санаси жаҳон бўйлаб кенг нишонланаётган буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурга эҳтиром билдириш ниятида замин сайқали қадимий Самарқандга келди.

Самарқанд аэропортида юксак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими Алишер Мардиев, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Миллий либосдаги қизлар азиз меҳмонларга ўзбек заминининг анвойи гулларини тақдим этдилар.

Буюк соҳибқирон қадимий Туркистон халқларини бирлаштириб, муқаддас юртни босқинчилардан озод этди. Улкан салтанат барпо қилди. Беқиёс бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб қолмай, илм-фан, санъат ривожига ҳомийлик қилди. У ҳомийлик қилган буюк маданият туркий халқлар ғурурини осмон қилиб, умумжаҳон хазинасини беқиёс ганжиналар билан бойитди. Бу улкан маданий меросдан Туркистон заминида яшаган барча миллат вакиллари бахраманд бўлдилар. Ана шу мобоис туркий тилли давлатлар раҳбарлари Тошкентда бўлиб ўтган анъанавий учрашувдан сўнг соҳибқирон юбилейи тантаналарида иштирок этиш истагини билдирдилар. Бу хайрли тадбирда иштирок этиш учун қардош Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳам Ўзбекистонга келди.

Қардош мамлакатлар Президентлари Самарқанднинг буюк бобокалонимиз номи билан юритилаётган хиёбонида яқинда очилган Амир Темур ҳайкали қошига келдилар. Улуғ давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Сўнгра Президентлар муборак байрам арафасида таъмирдан чиққан Гўри Мир мақбарасига ташриф буюриб, Амир Темур қабрини зиёрат этдилар.

Афсонавий Регистон майдони қутлуғ байрам кунларида алоҳида фусун ва жозиба касб этган. Қардош мамлакатлар давлат раҳбарлари ушбу бетакрор майдонга ташриф буюрдилар. Самарқанд бадиий ҳаваскорлик ва фольклор дасталари концерти шаҳарнинг улуғ меҳмонларини хушнуд этди.

Президентлар Улуғбек, Тиллакори мадрасаларини, шунингдек, бу ерда ташкил этилган халқ амалий санъати намуналари кўргазмасини томоша қилдилар.

Ўзбек халқининг буюк аждодлар номини улуғлаш, улар қолдирган осори-атиқаларни асраб-авайлаш йўлидаги фаолияти, боболар анъаналарига мос бунёдкорлик ишлари қардош давлатлар Президентларида катта таассуротлар қолдирди.

— Қадимий меъморлик обидаларига бой бўлган Самарқанд ва унинг Гўри Мир каби ёдгорликлари ҳақида кўп эшитганман, тарихий китоблардан қизиқиб ўқиганман, — деди Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев. — Самарқандга келиш орзуим буюк Амир Темурнинг юбилейи тантаналари нишонланаётган кунларда ушалганидан мамнунман. Мен бу ерда тарихий обидаларни тиклашга катта эътибор берилиб, ўзбек халқи жаҳон андозаларига мос замонавий бинолар қураётганининг гувоҳи бўлдим. Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонаси, қадимий ва замонавий меъморликнинг уйғун намунаси бўлган Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи биноси шулар жумласидандир.

— Мен «Етти ва ўттиз етти мўъжиза» деб номланган китоб ўқиганман, — деди Қирғизистон Президенти Асқар Акаев. — Унда она- сайёрамиздаги турли мўъжизалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бугун мен Самарқандга ташрифим чоғида жаҳонда ўттиз саккизинчи мўъжиза ҳам борлигига амин бўлдим. Бу мўъжизани яратишда соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодларининг хизмати беқиёсдир. Амир Темур нафақат ўзбек, балки қирғиз халқининг тарихи ва тараққиётини белгилаб берган улуғ инсонлардандир.

Бошқа қардош давлатлар Президентлари ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ибратли ишлар, соҳибқирон шахси ва унинг тарихда тутган ўрни ҳақида қимматли фикрлар билдирдилар.

Ўзбекистон Президенти буюк аждодларимизнинг муборак таваллуд саналарини байрам қилишнинг моҳияти халқимизнинг ғурурини тиклаш, уни улуғ боболарга муносиб улкан бунёдкорлик йўлидан бошлаш эканини таъкидлади.

— Шу кунларда улуғ соҳибқирон Амир Темур руҳи Ватанимиз бўйлаб кезиб юрибди, — деди, жумладан, юртбошимиз. — Унинг шод руҳи янги хайрли ишларни амалга ошириш йўлида бизга куч-қувват, мадад беради.

Шу куни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Самарқанддан ватанларига жўнаб кетдилар. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев эса Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бирга Самарқанддан Тошкентга келдилар. Улар Тошкент аэропортидан ўз ватанларига жўнаб кетдилар.

Аэропортда қардош мамлакатлар давлат раҳбарларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Туркия Президенти Сулаймон Демирэл мамлакатимизга ташрифи давомида 21 октябрь куни Тошкентда Туркиянинг «Ай сел» фирмаси бунёд этган 12 қаватли «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ҳамда пойтахт марказидаги «Мир» супермаркетида бўлди.

❑ Кеча Бош вазир ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов бошчилигида Тошкентда 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

❑ Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Сурхондарё вилоятининг Узун туманлари пахта тайёрлаш давлат буюртмасини адо этдилар.

❑ Фарғонада АҚШ, Япония, Туркия, Англия ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари мутахассислари иштирокида нефтни қайта ишлаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

❑ Тошкентда Японияниинг энг йирик бешта савдо фирмасидан бири — «Иточу корпорейшн»ни таништириш маросими бўлиб ўтди. Тошкентдаги ваколатхона — фирманинг жаҳон шаҳарларидаги бир юз етмиш еттинчисидир.

❑ Халқаро Амир Темур жамғармасининг газетаси — «Соҳибқирон юлдузи»нинг нишона сони чиқди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Эртага Москвада Россия ва Украина Президентлари Борис Ельцин билан Леонид Кучма ўртасида амалий учрашув бўлиши керак. Ана шу олий даражадаги мулоқот арафасида Москва мэри Юрий Лужковнинг Украина таркибида бўлган Севастополга Россия шаҳри мақомини бериш тўғрисидаги баёноти Украинада кескин норозилик уйғотди.

❑ Россия Президенти ҳузурида Бош вазир, парламентнинг юқори ва қуйи палатаси раҳбарларидан иборат маслаҳат кенгашини тузишга қарор қилинди.

❑ Россиянинг собиқ вице-президенти Александр Руцкой Олий суд қарори билангина сайловларга атиги уч кун қолганда расмий рўйхатга олинганига қарамасдан сайловчиларнинг 79 фоиз овозини олиб, Курск вилояти губернатори этиб сайланди.

ХОРИЖДА

❑ Сўнгги хабарларга қараганда Афғонистоннинг Аҳмад Шоҳ Маъсуд бошчилигидаги ҳукумат қўшинлари Қобулга етти километргача яқинлашиб келдилар.

❑ Япония Бош вазири Рютаро Хасимото бошчилигидаги Либерал-демократик партия яқиндаги парламент сайловларида ўз ваколатларини кўпайтирганидан сўнг коалицион ҳукумат тузиш учун бошқа сиёсий партиялар билан музокаралар ўтказмоқда.

❑ Якшанба куни Литвада бўлиб ўтган парламент сайловларида дастлабки маълумотларга кўра муҳолифатчилар етакчиси Витаутас Ландсбергис бошчилигидаги ўнг кучлар кўпчилик ўринни олган.

❑ Франция ўзининг Альбион саҳросидаги ўртача олисликка учадиган 18 та ракета ўрнатилган ядро базасини йўқотишга киришди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○

1996 йил — Амир Темур йили

Воқеа арафасида

БУЮК ЭҲТИРОМ

ЭРТАГА «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА «АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ ДУНЁ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Унда жаҳоннинг таниқли шарқшунос олимлари, адиблари, жамоат арбоблари иштирок этадилар. Конференцияда ирод этиладиган маърузалар ҳам ранг-баранг. Чунончи, француз олими, «Тарих ва Темурийлар маданияти» Ассоциациясининг президенти Люсьен Керен «Амир Темурнинг Европа давлатлари билан дипломатик алоқалари», Мисрдаги «Ал-аҳзар» университетининг профессори Насрулло Мубошир Торозий «Қоҳира кутубхоналарида сақланаётган Амир Темур ва Темурийлар даври қўлёзма манбалари тўғрисида», ҳиндистонлик олима, Алигарх Мусулмон университетининг профессори Мансура Ҳайдар «Ҳозирги замон манбаларида Амир Темур сиймоси», хитойлик олим Гао Юи Цзю «Амир Темур ва Хитой», эронлик олим Абулҳусайн Навоий «Амир Темур даври ҳақидаги асосий манбалар», америкалик олима Мина Маърифат «Амир Темур даврида шаҳарлар ободончилиги», инглиз олимаси Элеонора Симас «Лондон кутубхонасида сақланаётган темурийлар миниатюралари», афғонистонлик олим Ғулом Сахий Ғайрат «Амир Темур даврида Афғонистон ҳудудидаги архитектура ёдгорликларининг ҳозирги муаммолари», япониялик олим Эйжи Мано «Бобурнома»га ёзилган индекслар тўплами хусусида» маърузалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Шунингдек, таниқли ўзбек шарқшунос тарихчи олимлари ҳам ушбу конференцияда фаол қатнашади.

— Ушбу халқаро конференция, — деб ҳикоя қилади халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Амир Темурнинг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш комиссиясининг аъзоси, академик Бўрибой Аҳмедов, — буюк соҳибқирон шахсига жаҳонда қизиқиш, ўрганиш ниҳоятда кучли эканлигидан далолатдир. Бу ўз навбатида фахрли, айни пайтда масъулиятли ҳамдир. Ўйлайманки, анжуман жаҳон темуршунослиги тарихида ўзига хос саҳифа бўлиб қолади.

Конференция беш гуруҳга бўлиниб иш кўради. Жами олтмишдан зиёд маърузалар тингланади. Қизғин мунозаралар, баҳслар бўлиб ўтади.

— Бундай нуфузли анжуманда «Амир Темур ва Темурийлар даврида таълим масалалари» мавзуидаги маъруза билан қатнашаман, — дейди филология фанлари номзоди Дилором Юсупова, — соҳибқирон ҳазратнинг 660 йиллик тўйи маънавиятимиз, маданиятимизнинг ҳам улкан тўйидир.

Дарҳақиқат, ушбу анжуман Туронзаминнинг улуғ фарзандига кўрсатилган яна бир буюк эҳтиромдир.

Буюк соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ҳаёти ҳам шахс сифатида, ҳам давлат арбоби сифатидаги қизғин фаолияти жаҳон фани, илм-маданияти аҳли диққатини ҳамиша ўзига тортиб келади. Чиндан ҳам бу ҳайратланарли ҳодиса: миллатик динидан қатъий назар жаҳон олимлари буюк зот фаолиятидан тадқиқотлар олиб борадилар, асарлар ёзадилар. Ушбу жараён узлуксиз равишда давом этиб келди ва иншоолло, давом этажак. Биз Амир Темурнинг бадиий адабиётдаги сиймоси мавзуида мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Бироз тарих: жаҳон бадиий адабиётида Амир Темур сиймосининг ёритилиши ҳақида сўз кетганда, Кристофер Марлонинг «Улуғ Темур» фожиаси, Иоганн Вольфганг Гётенинг «Темурнома»си, Люсьен Карен сингари овруполик адиблар ва талай осиёлик ёзувчиларни эслаб ўтиш жоиздир. Биз мавзумиз доирасини бир қадар чегаралаб, бевосита Амир Темур Ватанида Амир Темур ҳақида яратилган асарлар тўғрисида фикр юритамиз, яна ҳам аниқроғи, XX асрда пайдо бўлган бадиий темурнома намуналарига назар ташлаб ўтамиз.

Афсуслар билан қайд қилмоқ лозимки, XX асрда Амир Темур Ватанида Амир Темур ҳақида асарлар қарийб яратилмади, мен бу ерда Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган даврни назарда тутмоқдаман. Яратилган асарлар ҳам, ватандошлар тарафидан эмас, балки ўзга адиблар томонидан ёзилди. Етмиш йил давомида ҳукмрон бўлган расмий мафкура Амир Темурни умуман қоралаб келди, у ҳақда ёзиш-ку бир ёқда турсин, ўтмиш ҳақида асар битиш «ўтмишни идеаллаштириш» деб баҳоланди. Абдулла Қодирий, Ойбек сингари забардаст адиблар юқоридаги сабабга кўра Амир Темур ҳақида асарлар ёза олмай армонда ўтдилар. Улуғ зот ҳақида нафақат бадиий асар ёзиш, балки илмий тарихий тадқиқотлар олиб бориш ҳам хатарли эди, бошларда калтак синарди. Мисол тариқасида академик Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» рисоласи билан боғлиқ воқеани эслаб ўтиш кифоя.

XX аср ўзбек адабиётида Амир Темур учун куйиб-ёнганлардан, ва эҳтимол, биринчиси, оташин маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитратдир. Абдурауф Фитрат аср бошидаёқ Амир Темурдек буюк сиймонинг миллатни оёққа туришида улкан таъсир кучи-қудратига эга эканлигини чуқур англаб етган эди. Адиб улуғ Соҳибқирон ва унинг буюк даври билан чексиз ғурурланарди, илҳомлар олар эди. У «Темур саганаси» номли саҳна асари ёзди. Бир қанча публицистик мақолаларида Амир Темур сиймосига мурожаат қилди. Фитрат «Юрт қайғуси» мақоласида Она Турон юртига хитоб этар экан, «Эй... Темурларнинг, ўғузларнинг оилаларининг бешиклари» деган сўзларни келтиради. «Темур олдинда» мақоласида Амир Темур мақбарасини зиёрат этган адиб кўнглида нечоғлик ҳаяжонли туйғулар кечганлигининг гувоҳи бўламиз: «Сенинг зиёратингга келдим, султоним!.. — деб ҳайқиради адиб. — Улуғ ҳоқоним! Турклик шарафи таланди. Туркнинг комуси, эътибори, иймони, виждони, золимларнинг оёғлари остинда қолди. Туркнинг юрти улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди! Ҳоқоним! Туркликка хиёнат қилганлар турк бўлсалар ҳам қонларини оқитмоқ сенинг муқаддас одатингдур, ётма, тур! Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдир! Мен уч кунлик умримни тинчгина ўтказмоқчи бўлмаса эрдим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди. Мен қўлимга топширдиғинг қилични ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди... Эй, арслонлар арслони! Меним ёзуқларимдан ўт, менинг қўлимни тут, белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер! Сенинг дунёда сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғликни қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасман».

Қозоқ халқининг ўтли шоири Мағжон Жумабоевнинг 1915 йилда ёзган «Амир Темур монологи» номли шеъри ҳам диққатга сазовордир. Қозоқ шоирининг Туркистон халқининг маънавий ва руҳий валинеъмати Амир Темурга мурожаати табиий ва ўринли. Шоир ёзади:

Кўк тангри — тангри:
Кўнгransин, кўкин бийласин.
Ер тангри Темирмен,
Еримга ҳеч ким тиймасин.

Амир Темурнинг «Мен Ер тангрисиман» дейиши, албатта, раиз маъно да олинган, буни шаккокликка йўймаслик керак. Шоир буюк жаҳонгир тупроғида ўзгалар ҳукмфармолик қилиб юрганини кўриб ўртанади, қани энди ҳозир Амир Темур бўлса эди, деб армон қилади.

1908 йилда Салоҳиддин Тошкандий «Темурнома» деган бир китоб битади. Китоб 1990 йилда Поён Равшанов томонидан Тошкентда нашр этилди. Жуда ширали тилда иншо этилган бу асарда Амир Темур афсонавий қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Юқорида биз Амир Темур мавзуси таъқиқланган, табу қўйилган мавзу эканлигини айтиб ўтгандик. Ҳа, тарих мавзусида қалам тебратиш хатарли бир иш эди. Асар ёзилса ҳам, унинг қаҳрамони шоир ёки аллома бўлиши, зинҳор хон, ҳукмдор, подшо бўлмаслиги керак эди. Шунинг учун даставвал Амир Темурнинг шоир ёки аллома авлодлари ҳақида асарлар яратилди. Темурийлар сиймоларини биз Ойбекнинг «Навоий» романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» номли асарларида кўрамиз. Кейинчалик бундай асарлар қаторига Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиаси, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Бобур» ва «Акбар» сингари романлари қўшилди. Бу асарларда бевосита Амир Темур образи яратилмаган эса-да, аммо унинг руҳи доимо сезилиб туради.

Ўзбекистонда яшаган рус совет ёзувчиси Сергей Бородин Амир Темур даврига бағишлаб «Самарқанд осмонида юлдузлар» номли уч китобдан иборат асарини ёзди. Муаллиф Амир Темурни босқинчи деб таърифлаган ҳукмрон мафкурани ёриб чиқа олмади. «Биз қалб амримиз билан ёзамиз, қалбларимиз эса — партияникидир», деган эди Михаил Шолохов. Бу фикр Сергей Бородинга ҳам тегишлидир. Ёзувчи ўз асарида диққатини асосан Амир Темурнинг хорижий мамлакатларга қилинган юришларига қаратди ва трилогияни 1399 йил воқеаларидан бошлади, шу нарса асар руҳини белгилаб ҳам берди. Ушбу қалин китоб рус адибининг ўзига қондошу жондош бўлмаган тарих ҳақида муайян мақсад билан ёзилган бир асари бўлиб қолди.

«Шарқ Юлдузи» журналининг 1990 йил 10-сонида улуғ адиб Ойбекнинг «Темур» достонига чизгилари эълон қилинди. Уни нашрга тайёрлаган адабиётшунос олим Наим Каримовнинг айтишича, адиб 1965 йилларда ушбу достонини ёзишга киришган. Ойбек ўз достонини битиришга улгурмаган, ўн тўрт саҳифадан иборатгина чизгилар қолган холос. Ушбу чизгилар Амир Темур номига табу қўйилган замонларда ҳам соҳибқирон ҳаёти, унинг сиймоси адибларимиз, олимларимиз юрагининг тубида жо бўлганлигига ёрқин мисолдир. Ойбек Соҳибқирон ҳақида кўп китобларни ўқиган эди ва келажакда роман ёзиш нияти бор эди. Сергей Бородиннинг юқорида зикр этилган асарида Амир Темур образини ноҳаётий ва ноҳалол талқинидан кўнгли озор топган Ойбек «Темур» достонини ёзишга киришади, аммо бевақт келган ўлим бу ниятни амалга ошишига имкон бермайди. «Темур ҳовуч-ҳовуч олтин тангалар, Сочади, думалар ерда янгалар», «Зиғирдай келинчак — Улуғ қаллиғи, Пардадин кўринур яноқ яллиғи», «О башар, ҳақ сўздир тарихнинг сўзи — Бир одам титратди жаҳонни ўзи!» сингари сатрларни ўқиб, тугалланмаган достон энди бизга бир умрлик армон бўлиб қолганлигини алам билан эслаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар биз Амир Темур ҳақида бошқалар томонидан ёзилган ҳар турли асарларни ўқиб келдик, тарихимизни бузиб кўрсатганларга муносиб жавоб беришдан маҳрум қилинган эдик.

Буюк Мустақиллик бизга Соҳибқирон Амир Темур ва умуман улуғ тарихимиз ҳақида баралла ёзиш ҳуқуқини инъом этди, тарихий ҳақиқатни рўй-рост кўрсатиб беришга шароит яратди. Натижада, бой тарихимиз, хусусан, Амир Темур ва унинг даври тўғрисида ёзилган асарлар пайдо бўла бошлади.

1994 йилда академик Бўрибой Аҳмедов ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси — «Амир Темур» тарихий романини ёзиб тугатди. Адабий жамоатчилик бу асарни катта қизиқиш билан кутиб олди ва мутолаага киришди. Роман 1995 йилда кўп минг нусхада чоп этилди. Матбуотда унга тақризлар пайдо бўлди, асар ижобий баҳоланди. Роман қарийб ярим асрлик даврни ўз ичига олади. Асар билан танишиб чиққан академик ёзувчи Иззат Султон уни жуда топиб «бадиийлашган тарих» деб атади. Бу чиндан ҳам улкан тарих, унда Амир Темурнинг шиддатли умри ўз инъикосини топди. Соҳибқироннинг шиддатли замони, жангу жадаллар, садоқату хиёнатлар, зафарли юришлар, фарзандлар тақдири, мамлакат истиқболи ҳақида нурли ташвишлар, жаҳон мамлакатлари билан алоқалар, Конигилда кечган набиралар тўйи, Бибихоним билан кечган лаҳзалар ва ҳоказолар ҳақида ёрқин тасаввур олиш мумкин. «Амир Темур» тарихий романининг қимматли жойи шундаки, унда келтирилган воқеалар, шахслар барчаси аниқ тарихий фактларга асосланган, улар Амир Темур ҳақидаги туркий, форсий ва арабий асл манбалардан олинган, бу ерда одатда ёзувчи қўшадиган, албатта, табиий саналадиган «фантазиядан туғилган гап» мутлақо йўқ, унга эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки соҳибқироннинг ҳаёти, даври ўзи ҳар қандай фантазияларни ортда қолдирар даражада ғаройиб ва саргузаштларга бой эди. Шу туфайли бу асар Амир Темур ҳаётига нисбатан муҳим манба сифатида ҳам қадрланмоғи шубҳасиздир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов Амир Темурга бағишлаб тарихий драма эълон қилди. Драма «Фотиҳи Музаффар ёхуд бир париваш асири» деб номланади. Асар маълум ва машҳур ривоят асосига қурилган. Халқда Амир Темурнинг суюкли хотини Бибихоним билан Жоме масжидини қурган меъмор йигит ўртасида юз берган муҳаббат можароси тўғрисида ривоят бор. Унга кўра, масжидни қураётган меъмор йигит ошиқи беқарор бўлиб, Бибихонимдан бир бўса сўрайди, акс ҳолда масжид қурилиши тўхтаб қолиши мумкинлигини айтади... Ёзувчи афсона қаҳрамонларининг номларини ўзгартириб олади. Амир Темур Сулувқўз номли кенжа хотинини жуда яхши кўради, унинг гўзаллигига маҳлиё. Одил Ёқубов ана шу муҳаббат ва меҳрни таърифлар экан, соҳибқироннинг мураккаб фаолиятини ана шу воқеаларга боғлаб юборади. Буюк инсон қалбида гўзалликка бўлган меҳр қудратини кўрсатишга ҳаракат қилади, ҳатто Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги нафасида ҳам ўша юксак гўзалликка интилганча оламдан кўз юмади...

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» номли беш пардали шеърий драмасида рамзийлик ниҳоятда кучли. Драма классик усулда инсо этилган. Содда ва равон тилда ёзилган бу асарда Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳаётининг турли фаслларидан лавҳалар жамланган. Воқеалар Самарқандда, Ангорада, Туркистонда бўлиб ўтади. Амир Темур Кўрагоннинг мамлакат тақдири, унинг келажаги ҳақидаги баҳсларини ҳозирги кунларимизга ҳамоҳанг жаранглайди.

Қонунларга ҳар ким сўзсиз риоя қилгай,
Ҳамма учун баб-баробар бўлсин Адолат! — деб ҳайқиради Амир Темур ва бунга қатъий амал қилади. Биз драмада адолатпеша инсонни рўй-рост, бутун бўйбасти билан кўриб турамиз, унинг Оврупа ва Осиё мамлакатлари ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатишдаги саъи ҳаракатларини тан оламиз. «Ҳамкор бўлсин Оврупою улуғ Осиё!» — драмадан олинган бу сўзлар Амир Темур тилида жуда мағрур садо беради.

Амир Темур мавзуида битилган асарлар ичида, шунингдек, М. Жалил, Маҳкам Маҳмуд, Е. Березиков, Тўра Мирзо, Х. Давронларнинг айрим асарларини эслаб ўтиш ўринлидир.

Ўзбек бадиий темурнома саҳифалари эндигина бошланди. Буюк инсон Амир Темур сиймосини, унинг мураккаб ва машҳур даврини ёритишга энди киришилмоқда, биринчи қадамлар эса кўнгилларга қувонч ва фараҳ солмоқда.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ИЛҲОМБАХШ СИЙМО

СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАНДИ

• Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида «Мустақиллик ва соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги» деб номланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда институт муаллимлари ташаббуси билан уюштирилган бўлиб, уни кириш сўзи билан институт ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Турғунпўлат Даминов очди. «Мустақиллик — Конституциянинг энг муҳим тамойили сифатида», «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуларида Республика Конституциявий суди раисининг ўринбосари Орол Эрназаров, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Аҳмадали Аскаровлар маъруза қилишди.

Оқила РАИМОВА.

* * *

• Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон тарихи кафедраси ва шу институт маъмурияти ташаббуси билан Амир Темур таваллудининг 600 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан олимлар—институт ректори, юридик фанлари доктори, профессор Х. Бобоев, тарих фанлари доктори, профессор А. Ўринбоев, филология фанлари номзоди, доцент У. Уватовлар Ватанимиз ҳамда Европа ва Осиёдаги бир қатор мамлакатларда сақланаётган манбалар асосидаги «Амир Темур марказлашган давлатнинг асосчиси», «Амир Темур ва темурийлар даврига оид манбаларда соҳибқирон сиймосининг айрим чизгилари», «Амир Темур давридаги давлат қурилиши, қонунлар ва ҳозирги замон» мавзуларида маърузалар қилдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

* * *

• Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институти илмий ходимлари ва талабалари буюк давлат арбоби, соҳибқирон, фан ва маданият, маънавият ҳомийси Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига бағишлаб бир қанча тадбирлар, конференциялар ташкил этишди.

Куни кеча шу институт ҳамда Ҳамза номли театр ижодкорлари билан ҳамкорликда илмий конференция ўтказилди. Унда профессорлардан Ш. Шаропов, К. Усмонов ва Р. Сангировлар Амир Темур ва ўша даврнинг тарихи ҳақида маърузалар қилишди. Театр артистлари эса «Соҳибқирон» спектаклидан парчалар намойиш этдилар.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

Нашриёт туҳфаси

ТЕМУРНОМАЛАР



Улуғ фотиҳ соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг таваллуд тўйи муносабати билан ўтаётган тадбирлар асосида унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга қизиқиш кучайди. Шу муносабат билан унинг ҳаёти, фаолияти, ундан қолган турфа мерос тўғрисидаги китоблар кўплаб нашр этилмоқда. Шу жумладан, «Ёзувчи» нашриётида ҳам бир қанча китоблар нашрга тайёрланди. Булар Ҳамидулла Дадабоевнинг «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати» ва Азиз Қаюмовнинг «Амир Темур қиссалари» номли китобларидир.

«Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати» номли рисолада буюк соҳибқироннинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шуҳрат топишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик истеъдоди, ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси, у тузган армиянинг таркибий тузилиши, тактикаси ҳамда стратегияси хусусида тарихий-илмий асарларда қайд этилган аниқ маълумотларга таянган ҳолда фикр юритилади. Ушбу рисоланинг бошқалардан яна бир фарқи бўлиб, унда соҳибқирон исми Амир Темур эмас, балки, Темурбек шаклида берилган. Бу, албатта, муҳтарам ўқувчиларни қизиқтириши табиий. Мовароуннаҳрда туркийда битилган асарларнинг деярли барчасида жаҳонгирнинг муборак номи Темурбек деб юритилган. Мисол учун, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома» асарида соҳибқирон номини ўттиз марта тилга олар экан, бирор марта ҳам Амир Темур демасдан Темурбек деб юритади.

Рисола илмий жамоатчилик вакиллари, умуман, маданий меросимиз ва тарихимиз мухлисларига бағишланган.

«Амир Темур қиссалари» номли иккинчи рисолада эса, Амир Темурга оид баъзи кўлёзма ва тошбосма қиссалар тўғрисида сўз боради. Улар бадиий адабиёт маҳсули бўлгани учун уларда тасвирланган айрим воқеалар ёзувчи ҳаёлотига мансуб бўлмоғи табиийдир. Ҳар ҳолда халқ ижоди аҳли соҳибқирон бобомизга қанчалар ҳурмат ва муҳаббат билан қараганлари бу асарларда яққол кўриниб туради.

Дония ЗОКИРОВА.

СУРАТЛАРДА: нашриёт томонидан чиқарилган китоблар.

Тадбиркорга омад ёр

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

Асбобсозлик заводи Юнусобод тумани саноат ишлаб чиқаришлари орасида биринчилар қаторида жамоа корхонаси таркибида иш юритаётган жамоалардан бири саналади. Корхона асосан оғир саноат билан шуғулланади. Бозор иқтисодиёти шароитида унинг ишлаб чиқариш шаклини бироз ўзгартиришига тўғри келди. Чунки корхонада тайёрланадиган маҳсулотларга хом ашё етказиб бериш мушкуллашди. Россиянинг Магнитогорск, Красноярск, Новокузнецк, Москва ва Запорожьедан келтириладиган хом ашё тобора қимматлашиб, тақчиллашиб борди. Шундай шароитда нима қилиш керак? Ишчиларни тўлиқ ушлаб туриш, уларни иш билан таъминлаш учун қўшимча ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш зарур эди. Шу боисдан дастлаб бир қанча қўшма корхоналарни очишга мажбур бўлинди. Шунинг маҳсули сифатида «Замон», «Игна», «Пойзор» каби ишлаб чиқаришлар вужудга келди.

— Қарасак борган сари асосий йўналишимиздан четлаб кетяпмиз, — дейди жамоа бошқарувининг раиси Миер Насретдинович. — Бунақада корхона таркиби бутунлай ўзгариб кетиши ҳеч гап эмас. Ҳатто у ўз номи «Асбобсозлик»ка ҳам номуносиб бўлиб боряпти. Қандай бўлмасин корхонанинг илгариги таркибини тиклаш лозим эди. Шу мақсадда бизга зарур бўлган маҳсулотларни ўз республикамиз ҳудудида жойлашган корхоналардан излаб топишга киришдик. Шундай корхоналар топилди ҳам. Улар билан маҳсулотлар алмашиш юзасидан шартномалар туздик. Натижада корхонамиз ўз аслига қайта бошлади. Ишчилар яна ёқтирган касблари билан шуғулланишга бошлади.

Ўтган йилнинг ярмида корхона янги усулга ўтиб иш юритди. Унинг жамоа корхонасига айланишидан фақат ижобий натижалар келиб чиқа бошлади. Ишчилар корхонанинг ҳақиқий хўжайини эканликларини тушуниб етишди. Қанча кўп унумли ишлаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилса, корхона учун ҳам, ўзлари учун ҳам фойда эканлигини англаб олишди. Шу сабаб меҳнат унумдорлиги ошди. Маҳсулотларга талаб кучайди.

— Акцияларимизнинг 40 фоизи ишчиларимизга тарқатилди. Ҳар бир қимматли қоғознинг нархи 100 сўм қилиб белгиланди, — дейди бошқарув раиси сўзини давом эттириб. — Ишчиларимиз орасида ҳатто 80-100 талаб акция сотиб олганлари бор. Ҳозир 1995 йилнинг ярми, 1996 йилнинг ярим йиллиги — яъни бир йиллик бўйича якуний хулосалар чиқарилмоқда. Тахминий ҳисобларга кўра ҳар бир акция учун 80 сўмдан дивиденд тўлаш белгиланмоқда.

Бошқарув раиси Миер Галяутдиновнинг ўзи ҳар бир ишда жамоага ўрнак. Ихтисоси бўйича техника муҳандиси бўлган бу инсон ҳозир техника фанлари номзоди илмий даражасига эга. Айниқса унинг ихтирочилик таклифлари корхонага катта фойда келтиради. Мисол учун унинг техника фанлари доктори Маҳмуд Болабеков билан ҳамкорликда яратган резинани майдаловчи машинасини олайлик. Бу техника соатига 200 килограмм эскирган, ишга яроқсиз резинани майдалаб беради. Ушбу резиналарни қайта ишлаш йўли билан улардан машина шиналарини ясаш мумкин. Ҳозир ижодкорлар металлни майдалайдиган қурилма яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Корхона жаҳон бозорига чиқишни ўйлаб чет элликлар билан ўзаро алоқани тобора мустаҳкамлаб боряпти. Бу борада гап кетганда америкалик мутахассислар билан бир йилдан бери ҳамкорликда иш юритаётган қўшма корхонани тилга олиш мумкин. Бу корхона чиқинди металл маҳсулотларини қайта ишлаб улардан буғдой, тош, грантни майдалайдиган тегирмон ишлаб чиқаради. У соатига бир тоннагача бўлган металлни майдалаб беради. Қўшма корхонанинг бу ихтиросида ҳам Миер Насретдиновичнинг ҳиссаси катта.

«Асбобсоз» ҳозир Исроил билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун қўшма корхона бунёд этиш юзасидан шартномага имзо чеккан. Шунингдек Қирғизистон ва Россия билан маиший хизмат жиҳозлари ишлаб чиқариш учун ҳамкорлик қилиш хусусида келишиб олинган.

Корхонада ҳозир ўндан ортиқ цехлар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, улар орасида истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш цехи ишчиларининг меҳнати диққатга сазовор.

Бу жамоага кўпдан бери Баҳром Алимов раҳбарлик қилади. Цех аъзолари замон талабига биноан иш кўриб маҳсулотларнинг янгиданянги харидоргир турларини яратиш устида изланадилар. 30 дан ортиқ буюмлар ишлаб чиқарадиган бу цехнинг турли хилдаги қулфлари, фурнитуралар ва қайчиларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

— Харидорлар эҳтиёжини инобатга олиб яқиндан бошлаб жамоамизда эшик ва ромлар учун ишлатиладиган ошиқ-мошиқлар, отвертка, бардюр қайчиси ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди бизга цех бошлиғи.

Умуман корхона келажакни ўйлаб иш юритяпти. У бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тадбиркор ва ишбилармонлик хислатларини ўзига сингдирган ҳолда эртанги кунга одимламоқда.

— Олдимизда ҳали қатор режаларни амалга оширишдек масъулиятли вазифалар турибди. Лекин улар ҳақида олдиндан гапириш бироз ноқулайроқ, — дейди Миер Галяутдинов охирида. — Барча интилишларимизнинг якуний хулосаси битта. У ҳам бўлса жаҳон бозорига чиқиш. Ана шундагина ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Тажриба оммалашмоқда

ЭЛЕКТРОН КАССА АППАРАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Суратли ахборот

Шаҳримиздаги савдо дўконларида касса аппаратларидан фойдаланиш кенг жорий этилган эди. Бугунги кунда бу услубда автотранспорт корхоналарида ҳам қўлланила бошланди. Шундай электрон касса аппаратларини биринчи бўлиб 3-автокорхона ўрнатиб, қисқа вақт ичида ижобий натижаларга эришмоқда.

— Йирик ишлаб чиқариш корхонаси «Фотон» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган электрон касса аппаратларини ўрнатганимиздан сўнг жуда кўп ҳисоб-китоб ишлари енгиллашди, — дейди корхона режа бўлимининг бошлиғи Раҳим Рашидов. — Бу ерда ишлаётганимга ўттиз йилдан ошаётган бўлсада, лекин бундай имкониятлар яратилганидан ғоят мамнун бўлдик. Шу боисдан ҳам шаҳримиздаги трамвай-троллейбус деполарининг кассирлари, бухгалтерлари, режа бўлими ходимлари корхонамизда ташкил этилган иш жараёни билан танишиб, тажриба алмашиб кетдилар.

Касса аппаратларини ишлатиш ва ундан фойдаланиш йўллари борасида «Фотон» ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари яқиндан ёрдам беришди ва шу соҳада ишлайдиган мутахассисларимизни ўқитишди. Касса аппаратлари бир йиллик мухлат давомида ишдан чиқса, қайта таъмирлаш кафолати ҳам тавсия этилди. Бундай имтиёз ва имкониятдан самарали фойдаланиш ҳаммамизнинг бурчимиз деб ҳисоблайман.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: кассир Насиба Юсупова электрон касса аппаратларида ишлашни яхши йўлга қўйиб олди; режа бўлими бошлиғи Раҳим Рашидов тажриба ўрганганги келган бошқа ходимларни янги иш услуби билан таништирмоқда; колонна бошлиқлари Шомуҳим Гофуров ва Ўткир Иноятовлар ҳам янги ишлари ҳақида суҳбатлашишмоқда.

Рашид Галиев олган суратлар.

Қиш тайёргарликни ёқтиради

ИССИҚЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Бектемир туманидаги коммунал хўжалиги ва иссиқлик билан таъминлаш бошқармасидагилар аҳолини қиш кунларида беталофат ва совуқда азоб чекмасдан чиқишлари учун барча тадбирларни амалда қўллаб, катта тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда.

— Иссиқ сувга мўлжалланган қувурларимиз 55 километрни ташкил этади, — дейди 11-ишлаб чиқариш-фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Анатолий Пак. — Мавжуд 12 та иссиқхонанинг 3 таси «Иссиқэнерго» бошқармаси балансида бўлиб, қолганлари корхоналарнинг ихтиёридадир. Қиш кунлари совуқ келса-келмаса, лекин бизларнинг асосий вазифамиз, тумамиз аҳлини иссиқ сув билан таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам барча тармоқлардаги шохобчаларимизни қайта назоратдан ўтказиб, керакли таъмирлаш ишларини олиб бораяпмиз.

Бошқармамиздаги 44 нафар ишчи барча маҳоратларини ишга солиб, режадаги ишларнинг 90 фоизини бажаришга эришдик. Бу ишда нозимхона вакили Лилия Тен, газ пайвандчилари Фарид Валиев, Рифкат Иксановларнинг ҳиссалари алоҳида бўлаётир.

Усмон УСМОНОВ.

СУРАТДА: газ пайвандчилари навбатдаги қувурни бирлаштиришмоқда.

Муаллиф олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя — амалда

ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИНИНГ ЕЧИМЛАРИ ЕТАРЛИ

дейди биз билан суҳбатда Ишсизларни касбга йўллаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш Ўқув маркази директори Ботир ҲАКИМОВ

Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси тасарруфида бўлган мазкур ўқув маркази бир неча йилдан бери зиммасидаги топшириқларни ортиғи билан бажариб келмоқда.

— Вазифамиз шаҳардаги туман меҳнат биржалари томонидан юборилган ишсизларни касбга йўналтириш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишдан иборат, — дейди марказ директори Ботир Ҳакимов. — Ҳозирда шаҳарда қандай вакант ўрин, яъни бўш иш ўрни бўлса, шунга ўқитиб берамиз. Жами 27—28 касб бўйича 2 ойдан 6 ойгача ўқитиб берамиз. Албатта баъзи касблар бўйича ўқиш дастури кам, баъзилари бўйича эса акси. Негаки бугунги кунда ўқиш ниятида бўлган фуқаролар учун имкон қадар вақтни камайтириш керак. Буни ярим-ёрти, чала-чулпа ўқитиш деб тушунмаслик керак. Яъни, вақтдан оқилона фойдаланиш зарур.

— Ботир ака, бу марказда асосан қандай тоифадаги фуқаролар ўқиб, малака оширишади?

— Туман меҳнат биржалари томонидан ўқишга юборилган фуқаронинг ҳужжатлари билан обдон танишиб чиққанимиздан сўнг унга стипендия ҳам белгилаймиз. Дарвоқе, бизда ўқиш бепул бўлиб, стипендия ҳам тўланади. Чунки бир ишсизнинг ўқишни тугатиб, ишга жойлашгунча бўлган даври учун масъулмиз. Яъни ҳимоямиздадир. Энди қандай тоифадаги фуқаролар марказда ўқишига келсак, асосан иш ўрни қисқарган, бир-икки йилдан бери ишламаётган, ҳарбий хизматдан бўшатилган, мактабни битириб (ёки билим юртини) вақтинча ишсиз юрган ёшлар қабул қилинади. Яна бир гапни алоҳида таъкидлашим керак. Бизда фақат туман меҳнат биржалари томонидан йўлланма билан келган фуқароларгина ўқиб, малака оширишади. Дарвоқе, ҳозирда бизда ўқиётган фуқаролар учун яна бир имтиёз бор. Буям бўлса, бизга, ўқув марказига йўллаган жойлардаги меҳнат биржалари ишсизни ўқишни тугатгунича унга бўш иш ўрни барпо этиб қўяди. Яъни бизда ўқишни тугатган йигит-қиз учун иш жойи ҳам ҳозирлаб қўйилган бўлади. Бундай имтиёзлар авваллари йўқ эди.

— Асосан қандай соҳалар бўйича билим олиш мумкин?

— ЭҲМ оператори, бухгалтер, стенографистка, котиба-референдум, машинистка каби соҳаларимизга талаб катта. Кейин маиший хизмат кўрсатиш бўйича: сартарош, тикувчи-бичувчи, чизмачилик ўқитувчиси, радиотелемеханик, заргар... Қурилиш соҳаси бўйича ҳам бор: ғишт терувчи, сувоқчи, бўёқчи, плиткачи, экскаватор, автокран, осма кран машинистлари лифтчи, газпайвандчи,.. мева-сабзавот сотувчиси ва ҳоказолар. Ўқув марказимиз бундан ташқари 20 дан ошиқ ўқув комбинатлари билан ҳамкорликда ишлайди. Яъни қайсидир бир соҳа бўйича ўқитиш ва амалиёти учун шароитимиз бўлмаса, ўша ўқув комбинатлари орқали ўқитамиз. Боя айтганимдек, ўқиш муддатлари 2 ойдан 6 ойгача. Айтмоқчи, узоқдан қатнаб, қийналмасликлари учун Ҳамза ва Бектемир туманлари ишсизлари учун 32-ўқув комбинати, Чилонзор ва Акмал Икромов туманлари талабгорлари учун 55-ўқув комбинатида шароитлар яратилган. Бизнинг Хадрадаги Қоратош кўчасига жойлашган асосий ўқув марказимизда кўпроқ Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Миробод туманларидан қатнайдиганлар ўқийди ва билим олади.

— Стипендиялар миқдори ва улар қандай тўланади?

— Бизда стипендия тўлаш қуйидагича белгиланган. Яъни иш ўрни қисқарган фуқаро охирги уч ойлик маошлари тўғрисида ишончнома келтирса, шунинг 50 фоиз миқдорида тўланади. Агар унинг оиласида 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлса, ўша маошининг 75 фоиз миқдорида стипендия олади. Умуман аввал ишламаган ёки узоқ вақт ишламаган фуқаро бўлса, республикада ўрнатилган ўртача иш ҳақидан кўп бўлмаган, энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда стипендия олиш ҳуқуқига эгадир.

— Андижон шаҳрида «Уста-шогирд» ташаббуси кенг ёйилди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Албатта, ҳамма иш вазиятдан келиб чиқиб амалга оширилади. Шунингдек, бу ташаббус Андижон вилояти каби зич аҳоли учун жуда маъқул усул. Бу ташаббус бошқа вилоятларга ҳам тарқалган. Бундан хабарим бор. Аммо Тошкент шаҳрининг талаб ва таклифлари бошқача. Тошкентда кўпроқ миллий ҳунармандчиликдан кўра, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Негаки Тошкент бозорларида дунёвий маҳсулотлар тўлиб-тошиб кетган бир вақтда қўлбола гилам, кийим-кечакка эҳтиёж бўлармикин?! Тўғри, бу маҳсулотларни ҳам яратиш керак, фақат санъат даражасида. Ҳунармандчилик йўли билан эмас. Шундай бўлса-да, Собир Раҳимов туманида «Устоз-шогирд» усулида синовтажриба сифатида бир ишга қўл урдик. Бу ҳам «Чорсу» савдо расталари қаторидаги ҳунармандлар ҳамкорлигида. Сандиқчи, бешикчи касби бўйича ўқитмоқчимиз. Бунда ҳам ўқитаётган, касб ўргатаётган устага ҳақ тўланади, ҳам талабгорга стипендия сифатида. Бу ишнинг яна бир мушкуллиги. Бунинг учун махсус дафтар тутиш керак, техника хавфсизлигига жавобгарлик, дегандай. Хуллас, бундай ишлар қонун ҳамда ижтимоий соҳалар томонидан тўла кафолатланган, ҳимояланган бўлиши керак. Қонун эса барчага баробар.

— Иш натижаси билан қувватли бўлади. Айтингчи, бу йил қанча фуқаро шу ерда билим олиб, малака ошириб, ишга йўлланма олган?

— Ўтган олти ойда жами 1006 нафар йигит-қиз ўқишга қабул қилинган бўлса, шундан 982 нафари ҳозирда гувоҳномаларини олиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Шу кунгача бирортасининг нолиб келганини эслолмайман. Бу ерда ҳам назарий, ҳам амалий сабоқ берадиган устозлар кўпчиликни ташкил этади. Назарий машғулотлар бўйича Иван Калена, Людмила Толкачова, Пўлат Акрамхўжаев, Рафиқ Мирахмедовлар, амалий машғулотлар бўйича Мухтасин Галоуддинов, Озод Қаюмов, Обид Комилов, Александр Королларни айтиб ўтиш мумкин. Ўқитиш бўйича бўлим бошлиқлари Абдулла Собиров, Фарҳод Иброҳимов, Шаҳноза Мирзаевалар ташаббуслари билан ўқиш учун гуруҳлар тузилади ва барча ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Улар таянчларимиз. Ҳа, биздаги тажрибали, етук муаллим ва тарбиячилар кўмагида олдимиздаги вазифалар ортиғи билан уддаланмоқда...

Чиндан ҳам вақтинча ишсиз қолган, касбини ўзгартириш ниятида бўлган, қоларверса, қандай ишнинг, касбнинг этагини ушласам экан, деб ўрта йўлда турганлар учун бундай ўқиш марказлари айни муддаодир. Бунинг устига ўқишлар бепул, имтиёзли. Республикамизда яратилаётган бундай имкониятлар ўз меваларини бераётир. Ҳа, давлатимизнинг ижтимоий соҳа йўналишидаги бундай тадбири ва имтиёзларидан ҳар бир фуқаро фахрланиши керак.

Зоир ТУРСУНОВ.

Собиқ иттифоқ парчаланганидан кейин космик илмий-тадқиқотлар йўлидаги изланишлар ҳам узилди. Ўша пайтларда Рустам ака Юсупов экспериментал конструкторлик бюросида директор ўринбосари эди. Бу ерга ўша пайтнинг энг истеъдодли физик олимлари, муҳандислари, конструкторлари, қўли гул ишчилар тўпланган эди. Улар Москвага бўйсуниб иттифоқ космик тадқиқотлар марказининг топшириқларини бажарар эдилар.

Йиллар ўтди. Замон ва даврлар ўзгарди. Янги давр, янги одамлар шакллана бошлади. Шундан кейин Рустам ака «Гидромедприбор»да ишлади. Сўнгра эса Тошкент политехника институтининг самолётсозлик факультетида дарс берди. Бироқ ишлаб чиқаришда илмий изланишлар билан шуғулланиб келган киши учун янгича ҳаётнинг оқимида ўз ўрнини топиб олиши анча мураккаб бўлар экан. Кўп ўйлар ва изланишлардан кейин унда бирон корхона очиш иштиёқи пайдо бўлди.

Жўшқин ҳаётда кун кечирган киши тиниб-тинчимайди. Бундай инсонда яратиш иштиёқи ўта кучли бўлади. Шу боисдан бир неча тармоқ фаолиятини синчиклаб ўрганди. Охири қишлоқ хўжалигида тўхтади. Чунки деҳқончилигимизда ишлатиладиган турли хил машина ва механизмларда қарийб етмиш минг турдаги эҳтиёт қисмлар зарурати бор экан. Албатта, бу механизмлар ва эҳтиёт қисмларнинг барчасини саноат корхоналари ишлаб чиқаришга қодир эмасди. Жаҳонда бундай мамлакатнинг ўзи йўқ. Шунинг учун Рустам ака тез-тез ишдан чиқадиган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этишга қарор қилди.

Тадбиркорлик — бозор талаби

«САРУС»НИНГ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ

Хуллас, ишлар бошланиб кетди. Буюртмалар кела бошлади. Ҳатто қишлоқларга ҳам янги корхона тузилгани ҳақида хабар кетди. Тупроқ шароитимиз анча мураккаб бўлгани сабабли ерга ишлов бериш, ўрим-йиғимда ишлатиладиган механизмларнинг эҳтиёт қисмлари узоққа чидай олмайди. Янгиларини олис ўлкалардан олиб келиш эса анча қимматга тушади. Шунинг учун ҳам «Сарус» кичик корхонасининг ташкил этилиши деҳқончилигимиз учун бироз бўлса-да мадад бўлмоқда.

Биз кичик корхонада бўлиб, унинг фаолияти билан танишдик. Корхона бош муҳандиси Рустам ака Юсупов билан мулоқотда бўлганимизда, у киши қуйидагиларни гапириб берди:

— Биз тайёрлаган маҳсулотимизни Республика базасига топширамиз. Бир қисмини Зонал базага, қолганларини вилоятлардаги базага топширамиз. Корхонамиз ҳақида вилоятларга хабар берганмиз. Биздан эҳтиёт қисмлар олинса, айтарли арзон нархга тушади. Бошқа жойдан олинса, хўжаликлар учун анча қимматга тушмоқда. Мисол учун сегментнинг сотилиш нархи бизда 24 сўм. Бошқа жойда унинг нархи бир ярим баробар қиммат туради. Ёки бўлмаса Кир бир ярим пичоғи бизда 72 сўм туради, бошқа заводларда ишлаб чиқарилаётганлардан олсангиз бир ярим баробар қимматга тушади. Ишимизда қийинчиликлар ҳам бор. Қишлоқ хўжалик корхоналари биз билан вексель асосида ҳисоб-китоб қилишади. Бир томондан вексель билан ҳисоблашиш биз учун ҳам қулай. Чунки ижара, электроэнергия ҳақларини вексель билан тўлаймиз. Лекин хом ашёларни сотиб ололмаймиз. Биз бир қанча деталларни бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ишлаб чиқармоқдамиз. Масалан, «Ўзбекқишлоқмаш» бирлашмасидаги «Қуювчи» ширкати биз учун қуйма эҳтиёт қисмларини тайёрлаб беради. Биз эса унга механик ишлов берамиз. Экскаватор заводи билан ҳамкорликда чизель ва культиваторларга лапти деган эҳтиёт қисмни ишлаб чиқараяпмиз. Умуман олганда ҳали олдимизда қиладиган ишимиз кўп. Асосий мақсадимиз қишлоқ хўжалик ходимларига яқиндан ёрдам бериб, уларни зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдан иборатдир.

Баҳодир МАҲМУДОВ.

Ҳунарлининг қўли гул

НАҚҚОШ

Ёш болаларда, хатто эндигина атак-чечак қила бошлаган болаларда ҳам, қўлига қалам тушиши билан «рассомлик» иштиёқи пайдо бўлишини ҳаммамиз кузатганмиз. Улар ўзларича теварак-атрофдаги буюмларнинг, яқин кишиларининг расмини чизишга ҳаракат қиладилар. Одамларда гўзалликка интилиш, ижод қилишга ҳавас ана шундай эрта уйғонади. Ёши улғайган сайин уларнинг аксарияти турли амалий касбларнинг этагини тутиб кетади, гўзалликка ошуфталик қолади, холос. Эзгу орзу-ҳаваси авайлаб тарбияланган, туғма истеъдоди бўлган болаларгина мусаввирлик санъатини эгаллайдилар.

Асли Ангрен шаҳрида, ишчи оиласида туғилган Интизомда ҳам рассомликка иштиёқ жуда эрта уйғонди. Айтиш керак, ундаги истеъдодни Тошкентдаги 92-мактабнинг расм ўқитувчиси Қудрат ака биринчи бўлиб илғади. Унга йўл-йўриқ кўрсатди, мусаввирлик санъатидан илк сабоқ берди. Интизомнинг ўзи ҳам расм чизиш кўникмасини ўқувчилар саройидаги нақкошлик тўгарагида, Маҳмуд ака Тўраев раҳбарлигида мустаҳкамлаб борди. Шунинг учун ҳам саккизинчи синфни битирган Интизом Асқархўжаев қаерга ўқишга кирсам экан, деб ўйлаб ўтиргани йўқ. Ҳужжатларини тўғри Тошкентдаги Беньков номли республика билим юртининг «Нақкошлик» бўлимига топширди.



1977 йили билим юртини яхши баҳолар билан тугаллаган Интизом Асқархўжаев меҳнат фаолиятини «Усто» бирлашмасидан бошлади. Бу ерда у машҳур мусаввир Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида ўз малакасини янада оширди. Кейинчалик Ўзбекистон Давлат санъат музейида таъмирловчи бўлиб ишлади. 1989 йили Ўзбекистон Рассомлар уюшмасига аъзо бўлди. Унинг гўзал нақшлари, лок миниатюраси соҳасидаги асарлари турли республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда намойиш этилиб, мутахассисларнинг ҳам, томошабинларнинг ҳам юксак баҳосига сазовор бўлди.

Ҳозир нақш устаси Интизом Асқархўжаев республика «Санъат» мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Ёшларга нақкошлик, лок миниатюраси бўйича сабоқ бермоқда. Шогирдлари — 10-синф ўқувчилари Сарвар, Нодир, Шерзод, Нигораларнинг келажакда етук санъаткор бўлиб етишишларига умид қилади.

— Мен ёшларимиз маънавий баркамол, гўзалликни нозик ҳис қиладиган инсон бўлиб етишишларини истайман, — дейди И. Асқархўжаев.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: Интизом Асқархўжаев асарларидан намуналар — тош қоғозга ишланган миниатюралар; «Ҳаё» деб номланган қутича (лок миниатюраси).

Ия, нахотки?!.

«ПАТТА — МЕНИНГ ЧЎНТАГИМ»

Куни кеча шаҳарнинг 18-автокорхонасига қарашли 61—75 рақамли 126-йўналишда ҳаракатланаётган автобусга чиққан эдим. Манзилимга етиб келиб, «Чорсу» бекатида тушаётганимда патта олиш ёдимга тушиб:

— Ие, нега патта бермаяпсиз? — деб ҳайдовчидан сўрасам, у кўзларимга шундай тикилиб туриб:

— Патта менинг чўнтагим, тушундингизми? — деб қолди сурбетлик билан.

— Йўл кира ҳақлари чўнтакка эмас, балки давлат хазинасига тушиши керак. Тўғри эмасми?

— Мен ўзимга ишлаяпман, давлатга эмас, — деди у мени «мот» қилиб.

Ҳалигача тушунмаяпман. Унинг бундай сўзларни истаган кишисига, йўловчига бемалол айтаверишининг боиси нима? Ёки автобусни давлатдан сотиб олганми?! Ундай бўлса... йўналишда нима қилиб юрибди?

Унинг исм-фамилиясини суриштирсам, айтмади.

— Жудаям билгингиз керак бўлаётган бўлса, ана, автокорхонамизга боринг. Билиб оласиз, — деди у қўполлик билан.

Ҳозир ўйлаб турибман: уларнинг бундай даҳаллашиб кетаётганларининг боиси нимада? Транспорт воситаларида уларнинг бурч ва масъулиятлари ҳақида ёзилган кўргазмали жиҳозларнинг йўқлигими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган қароридан бехабар эканлигими?

18-автокорхона раҳбарияти бунга ўз муносабатларини билдиришса, яхши бўларди.

Ф. РАСУЛОВ,
журналист.

Юнусободдаги бу маҳаллани Обод деб аташади. Ўзиям исми-жисмига монанд. Кўчалари ёғ тушса ялагудек, топ-тоза. Ҳовлиларга экилган гул-райҳонлар иси кечқурунлари бутун маҳаллани тутиб кетади. Мўъжазгина ўриндиқларда нуроний кексалар бу дунёнинг ишлари ҳақида мириқиб суҳбат қуришади. Чеккаларига райҳон қадаган онахонлар эса тўй-тўйчиқларни орзулашади, бу ҳақда бир-бирлари билан маслаҳатлашишади. Гоҳ ўқиш, гоҳ иш ташвишлари билан шошиб юрган қиз-йигитлар, қўллари кўксида—куёвлар, қимтинибгина одимлаётган келинчаклар, бари-бариси бу маҳалланинг кўрки, чиройи...

Аёл борки олам мунаввар

КЎНГИЛДА ЭЗГУЛИК БЎЛСА

Маҳпират опа ҳам ана шу маҳаллада яшайди. Жуда куюнчак, фидойи аёл. Бордию кўчада ўйнаб юрган болалардан бирови йиғлаб турса, «Бола нарса ўйнаб-йиғлаб катта бўладида» деб ўтиб кетавермайди. Дарров боланинг ёнига боради, уни ўртоқлари ҳафа қилган бўлса, иккаловига бир-иккита яхши сўз айтиб, болаларни яраштириб қўяди... Бундай ғеъллли аёллар, албатта, ҳамма нарсага қизиқувчан бўлишади. Маҳпират опа ҳам худди шундай. У билан турли мавзуларда гаплашиш, ҳатто баҳслашиш мумкин.

Биз опа билан бугунги ёш авлод ҳақида суҳбатлашдик. «Бола тарбияси қай тахлит олиб борилса, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан етук ва билимли бўлишига эришиш мумкин?» — дея сўрадим мен. «Болаларнинг тақдирини боғча ва мактабга батамом юклаб қўйган ота-оналар бор, — дейди Маҳпират опа. — Бу билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ўз фарзандларига ота-она уйда ҳам алоҳида вақт ажратиши керак. Кунига оиласи даврасида қадриятларимиз борасида бир қур суҳбат ўтказган ота ёки боласига ғазалми, эртакми ўқиб, мазмунини англатолган она ҳам тарбияга ўз ҳиссасини қўшган ҳисобланади...»

Кейин опа бу борадаги ўз тажрибалари хусусида сўзлади. Турмуш ўртоғи вафот этганида ўттиз етти ёшда эканлар. «Шундан кейинги ҳаётимни фарзандлар тарбиясига бағишладим», — дейди опа. Олти фарзандни ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялашнинг ўзи бўладими. Опанинг айтишича, болаларининг ақлли, илму-ҳунарли бўлишида унинг боғчаю мактаб билан доимо ҳамкорликда иш юритгани қўл келганмиш. Чиндан ҳам, фарзандлари эл ишига яроқли бўлишди. Тўнғич ўғли Шуҳратжон — муҳандис, Одилжон — рассом, Ҳикматилло — тиш дўхтири, Улуғбек — савдо ходими, Сурайё — доришунос, Муҳайё эса иқтисодчи... Маҳпират опа уларнинг ҳар бирини уйли-жойли қилди. Эндиликда набираларининг сони 22 тага етди.

Маҳпират опа билан суҳбатимиз ўз-ўзидан тижорат мавзуига кўчди. «Савдо иши тартиб-интизомни талаб қилади, — дейди опа. — Буни мен узоқ йиллик иш тажрибамдан яхши биламан. Ахир эллик йилдан ортиқ савдода ишладим. Биламан, савдода ишлаган кишиларни ҳамма бой-бадавлат, тийинни-тийинга урадиганлар, деб ўйлашади. Инсон қай соҳада ишламасин, аввало ўз виждони олдида пок бўлмоғи керак. Ахир ҳалолликка не етсин! Ҳозирги савдо-сотиқни кўриб дилим ранжийди. Аёл пул топаман деб, болаларини уйга қамаб эртаю кеч бозорда, Айниқса, хорижма-хориж юрганини айтмайсизми?! Сўрасангиз «Тирикчилик-да» дейишади. Ахир тарбиясиз бола ўстириб қилган тирикчилиги ўзига зиён эмасми?! Ҳар биримиз бугунги қилган ишимизни эртанинг тарозусига солиб кўришимиз керак-да...»

Маҳпират опанинг куйинганича бор. Бу кун қай даврада бўлманг, бозор, пул ва қимматбаҳо буюмлар, долларнинг қўлда қанча туриши сингари гапларни эшитасиз. Эшитавериб меъдангизга тегади. «Яхши гаплардан гаплашайлик, ахир. Дунёда бойликдан гўзалроқ нарсалар ҳам борку!» дея ҳайқиргингиз келади. Лекин, биласизки даврадошларингиз бунга ажабланишади... Қўл силтаб даврадан чиқиб кетасиз. Аслида инсоннинг маданияти унинг маънавий олами билан ўлчанади. Шундай экан, маънавиятимизни юксалтириб, уни майда-чуйда нарсалардан тозалаб яшашимиз даркор. «Авлод-аждодимиз мард ва фидойи кишилар бўлишган, — дейди Маҳпират опа. — Қадимда Буюк Ипак йўлида юрган карвонлар ҳалоллик ва эзгуликка хизмат қилишган. Шунинг учун ҳам уларнинг йўллари бехатар, умрлари узоқ бўлган...»

Маҳпират опанинг ҳаётида ҳам яхши-ёмон кунлар бўлган. Айниқса, турмушдошидан эрта айрилиб, бир этак ёш бола билан қолгани, уларнинг тарбиясида қийналганлари... «Мен мана шу маҳалламдан жуда-жуда миннатдорман, — дейди кўзлари ёшланиб опа. — Менинг мушкул кунларимда мадад бўлишди, тўйларимни ўтказишда кўмаклашишди. Шу маҳаллам учун ўз хизматимни ҳеч-ҳеч аямайман...» Чиндан ҳам Маҳпират опа мана ўттиз йилки, маҳалла хотин-қизлар кенгашига раислик қиладилар. Ташвишлари бир оламча. Шундай қилсаки, аёллар идора ишларидан ташқари болалари тарбиясига вақт ажратишса. Давраларда бекорчи суҳбатларга ўрин қолмаса. Сабаби, эртанги кунларимизнинг ёруғ бўлишини уларга тўғри англатмоқ лозим. Маънавият бутун бўлса, кўнгилда эзгулик бўлади. Аёлларимиз уй-жой, бола-чақасига кўпроқ қайғуришсаю эркакларимиз савдо-сотиқни ўйлашса. Аёлнинг бозорма-бозор югуришига ҳожат қолмасди шунда. Ахир мустақил юртнинг эртанги авлоди — фарзандларни замонавий билимларни пухта эгаллаган, пишиқ-пухта қилиб вояга етказиш бугунимизнинг энг муҳим вазифаси-ку. Бу вазифани асосан аёл бажариши лозим бўлади. Маҳпират опа аёлларга мана шу нарсаларни доимо уқтиради. Уқтираверади...

— Биз журналистлар ҳар нарсага қизиқаверамиз, — дейман мен. — Айтингчи, унвонларингиз ҳам борми?!

— Бўлмасачи! Узоқ йиллар савдода ҳалол ишлаганим боис «Савдо аълочиси» унвонини олдим. «Шуҳрат» медалини ҳам беришган ўтган йили. Мустақиллигимиз байрам қилинадиган кунларда ҳам бир қанча мукофотлар олдим. Лекин, одамларнинг эъзозу-ҳурмати барча нишонлардан юқорироқдир мен учун...

Халқимизда ҳазиломуз нақл бор: «Баъзи кунлар келади, қурбони бўлсанг арзир...» Маҳпират опанинг ҳаётида қурбони бўлгулик бахтли кунлар, ҳаяжонли воқеалар жуда-жуда кўп бўлган. Биргина ўтган йилдаги воқеани опа ҳали-ҳали энтикиб эслайди. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Энг намунали оила» кўрик-танловида Маҳпират Тожиеванинг хонадони биринчи ўринга муносиб деб топилди! Хонадонга мукофот тариқасида ойнаи жаҳон ҳадя этилди. «Мана шундай кунларда ҳаётингдаги барча қийинчиликлар бир зумда эсингдан чиқиб кетаркан, — дейди Маҳпират опа. — Меҳнатнинг роҳати деганлари балки шудир...»

Ҳа, кўнгилда эзгулик бўлса, ҳаёт гўзал ва фаровондир. Ҳар биримиз дилларимизни ёруғликка тўлдириб, эртанги кунларга яхшилик умиди билан қараб яшашимиз лозим. Яшашнинг мазмуни ҳам шунда, аслида.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
«Йилнинг энг яхши журналисти» мукофоти совриндори.

Биз ва жаҳон

ГЕРМАНИЯДАН УЛКАН ТААССУРОТЛАР БИЛАН

Буюк немис шоири Й. В. Гёте «Ҳар бир инсон кунда гўзал бир нарсага боқиши ёки бўлмаса ширин бир сўз эшитиши керак» — деган эди. Бу инсоннинг гўзалликка, маърифатга интилиши, яхши, тинч, осуда ҳаётга интилиши демакдир. Қайси мамлакатда халқлар гўзалликка интилар экан, ўша мамлакатда тинчлик, осойишталик ҳамиша ҳукм сураверади.

Ҳа, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг беш йил ўтган бўлса-да истиқлол халқларимизга зиёрат учун ҳам, тижорат учун ҳам, билим олиш учун ҳам катта шароитлар ва имкониятлар яратди. Бошқа юртдошларимиз сингари мен ҳам шу йил уч ой давомида Германиянинг Мюнхен шаҳрида «Немис тилини ўргатиш услубияти ва дидактикаси ҳамда ўлкашунослик» курсида таҳсил олдим. Бу курс Мюнхен шаҳридаги Гёте институти томонидан ташкил қилинган бўлиб, дунёнинг саккизта мамлакатларидан вакиллар иштирок этишди. Мазкур институт 1951 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади чет элларда халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва бошқа давлатларга тарғиб қилишдан иборатдир. Гёте институти тармоқлари Германиянинг деярли барча шаҳарларида мавжуд. Бу борада олийгоҳ дунёнинг турли чеккаларида немис тилини бошқа халқларга ўргатиш мақсадида бепул курслар ташкил этишдек хайрли ишни амалга оширишдан ташқари бир қанча педагогик муассасалар билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, кишилар орасида ўзаро муносабатларни яхшилашдир.

Бу сафарим давомида фақатгина немис тилини ўқитиш услуби ва дидактикаси масалалари билангина шуғулланиб қолмай, балки ўлкашуносликка оид масалалар билан ҳам қизиқдим. Германиянинг матбуот органлари бўлган редакцияларда, телевидениеларда ва радиоларда бўлиб, уларнинг муҳаррирлари ва журналистлар билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим. Бундан ташқари ёшлар ташкилотлари, партиялар ва институтларда бўлиб, уларнинг фаолиятлари билан танишдим ва шу билан бирга мен ҳам ўз навбатида жонажон мустақил республикамиз ва унинг равнақи ҳақида сўзлаб бердим. Уларда ҳам мамлакатимизни бир бориб кўриш, унинг тарихий обидалари билан танишиш иштиёқи уйғонди.

Гуруҳимизда таҳсил олган немис тили ўқитувчилари жаҳоннинг саккиз мамлакатидан келган бўлиб, бизларни бир-биримизга бирлаштириб турган ва мулоқот воситаси немис тили бўлди.

Асосан қилган сафарим ва таҳсил олган жойим Германиянинг Мюнхен шаҳри бўлган бўлса, бундан ташқари пойтахт шаҳар Берлинда, Потсдам, Лейпциг, Веймар ва бошқа шаҳарларда бўлиб, шаҳар ҳаёти ва маданиятини ўрганишдан ташқари қишлоқ ҳаётини ҳам ўрганиш мақсадида Цинзерлар оиласида тўрт кун давомида уларнинг таклифига биноан меҳмон бўлдим. Уларнинг худди ўзбек халқиникидек катта оиласи, уч қаватдан иборат уйи ва катта ҳовлиси, фақатгина икки киши бошқараётган, кунига 200 литрдан сут соғиб олинаётган 22 та сигирдан иборат фермер хўжалигига қойил қолдим. Қишлоқ халқининг бизнинг халқимизга ўхшаш меҳмондўстлиги ва меҳнатсеверлиги ҳам лол қолдирди.

Германияга қилган сафарим вақтидаги энг қувончли воқеалардан бири қўқонлик Ёқуб ака ва Раҳима опаларнинг мен истиқомат қилган меҳмонхонага йўқлаб келишгани бўлди. Уларнинг неча йиллардан буён кўриш орзусида юрган она юртга бўлган соғинчи, она Ватаннинг равнақи ва ривожланишидан хурсандчиликлари ва қувончларига шерик бўлдим.

Икки немис мамлакатининг қўшилганига бир неча йил бўлди. Ажабланарли томони шундаки, бирлашиш вақтида жуда катта сармоя сарф қилинган бўлса-да, аммо Германия ўзининг бошқа Ғарб давлатлари орасида иқтисодий мустаҳкамлиги барқарорлигига путур етказмади. Бу, менимча, 150 йилдан кўпроқ табиий равишда тараққий этиб келаётган бозор иқтисодиёти усулларидан оқилона фойдаланиш маҳсулидир. Одамларига келсак, улар жуда оқкўнгил, меҳмондўст, шу билан бирга ҳисоб-китобли халқ. Улар мени ўзларининг юксак маданиятлилиги ва фаоллиги билан ҳайратлантиришди.

Шундай экан дунё мамлакатлари билан ҳар жабҳада алоқалар олиб бориш учун ҳам ҳозирги кунда чет тилларини билиш фойдадан ҳоли бўлмаса керак. Мустақил юртимизни дунёга танитишда, қолаверса мавқеини бутун жаҳонга ёйишда ҳам чет тилларнинг аҳамияти жуда каттадир. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистонни кўплаб Европа мамлакатлари тан олган экан, унинг олиб бораётган сиёсати, иқтисоди ва маданиятига ҳам қизиқиши ортиб бормоқда.

Шуҳратхон ИМЯМИНОВА,

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети немис филологияси кафедраси катта ўқитувчиси.

Соғлом авлод учун

МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ҚИЛАЙЛИК

Ватан остонадан, илму тафаккур эса боғчаю мактаблардан бошланади. Бугун ўша табаррук даргоҳларимизда фарзандларимиз учун барча шароитлар етарлими? Уларнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишларига замин яратилганми? Спорт заллари, майдончалар, улардаги жиҳозлар талаб даражасидами? Ушбу саволларга жавоб топиш истаги бизни йўлга етаклади. Пойтахт бўйлаб сафаримиз Чилонзор ва А. Икромов туманларидан бошланди.

Деярли барча мактабларда қувчиларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун шароит яратилган. Масалан, 163, 168-мактабларни оладиган бўлсак, спорт майдончалари, спорт заллари, жиҳозлар кўзни қувонтиради. Айниқса, жисмоний тарбия ўқитувчилари ўз касбининг фидойилари эканлиги қилинаётган ишлардан кўриниб турибди.

— Юртимиз шаънини ҳимоя қилаётган эшкакчиларнинг деярли барчаси мактабимизнинг собиқ ўқувчилари, — дейди 168-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Москва олимпиадасининг иштирокчиси Татьяна Бирюлина (Курина).

Ҳа, қаердаки ёшларга эътибор ва шароит бўлса, ўша ердан юрт шаънини ҳимоя қила оладиган кишилар етишиб чиқади. Буни рақаму далиллар билан исботлаб ўтиришга хожат ҳам йўқ. Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида бунга мисоллар етарли.

— Туманимизда 33 та умумтаълим, 2 та спорт мактаби мавжуд. Спорт жиҳозларини мактабларга тарқатиш учун 100 минг сўмлик ҳисоб рақам олиб келганмиз. Насиб бўлса ўқувчиларни керакли спорт анжомлари билан таъминлаймиз. Туманимизда 1 та спорт зали йўқ мактаб бор эди. Шунда ҳам қурилиш ишларини бошлаб юбордик, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири А. Абдалимов.

А. Икромов туманидаги 401-боғчада 280 нафар бола тарбияланмоқда. Боғча спортга ихтисослаштирилган. Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Шу боис ҳам бежизга бу ерда туманнинг боғчалари ўртасидаги спорт мусобақалари ўтказилмайди. Очиғи, боғчадаги ишларнинг олиб борилиши талаб даражасидан ҳам юқори экан. Буни тарбиячи-ю тарбияланувчи, ҳамшира-ю ота-оналар билан суҳбатлашганимизда, шароитларни кўрганимизда гувоҳи бўлдик.

— Боғчамизни тугатган болалар махсус мактабларга тавсия этилади. Уларнинг соғлом, баркамол, зеҳнли бўлиб етишишларида албатта ота-оналар билан бамаслаҳат иш олиб борамиз. Киев, Москва шаҳарларидаги энг яхши болалар боғчаларида бўлиб, уларнинг шароитларини, қулай жиҳатларини ўзимизга тадбиқ этмоқдаман, — дейди боғча мудираси Ольга Мельник.





Бугун Республикамизда юргизилаётган сиёсатнинг асосий бўғини соғлом авлод тарбиясига қаратилгани ҳам шундан. Зеро, болалар, ёшлар камолоти юртнинг истиқболидан, келажагимиз буюклигидан далолат беради. Шуни айтиш даркорки худди шундай боғчаларнинг сони бугунги кунда пойтахтимизда кўпайиб бормоқда. Бу боғчада тўпланган тажрибадан бошқа болалар масканлари ҳам ўрганса арзийди. Очиқ айтишимиз керакки юртимиздаги кўпгина боғчалар шароитдан, имкониятдан тўлиқ фойдалана олмайдилар.

Юнусобод пойтахтимизнинг ҳудудий жиҳатдан энг катта туманларидан бири ҳисобланади. Туман мактабларида жисмоний тарбияга эътибор кўнгилдагидек экан.

— 260-мактабда бир йилдан бери ота-оналар фонди фаолият кўрсатмоқда, — дейди ўқитувчилар, — мактабимизнинг кўпгина камчиликларига шу фонд орқали барҳам берилди. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳам хайр-эҳсонлар улашилди.

Албатта фонд амалга ошираётган ишлар тақсинга лойиқ. Бирок, шу фонд ўқувчиларнинг спорт жиҳозларига бўлган эҳтиёжини инобатга олса, яхши бўларди.

Энди бир гап. Биз пойтахтнинг учта туманини айланиб шу нарсага амин бўлдикки, кўпгина мактабларда моддий имкониятлар бўлишига қарамасдан футбол, волейбол, баскетбол тўплари етишмайди. Масалан, Юнусободнинг 259-мактабига борганимизда ўқувчилар ямалган коптокда футбол ўйнаётганининг гувоҳи бўлдик. Тўғри, ҳозир тўп масаласи муаммо. Аммо, муаммо, деб ўтираверган билан иш битармикин? Бизнингча, буни фақатгина мутасадди ташкилотларнинг ярамаси деб эмас, балки шу мактаб ҳомийларининг, умуман барчамизнинг нигоҳимиз тушмаган камчилик деб қарашимиз керак.

Ҳаммамиз илк сабоқни боғчада, мактабда олганмиз. Оламнинг ошуфта ҳаёлига ўша ерда ошно бўлганмиз. Собиқ тузумда табаррук зиё даргоҳлари оёғи ердан узилган мафкуранинг ғояларини гўдаклар онгига сингдиришга ҳаракат қиларди. Бугун ўша ғоялар исканжасидан халос бўлдик. Энди боғча-ю мактабларда болалар дилларига, кўнгилларига яқин бўлган қўшиқларни хиргойи қилибгина қолмай, ҳақиқий дунё билан танишмоқда. М. Улуғбек, Ҳамза, Миробод, Бектемир туманларидаги мактабу боғчаларни кўздан кечираётганимизда хаёлимдан шу ўйлар ўтди.

Айниқса, М. Улуғбек ва Ҳамза туманларидаги аҳвол кишини қувонтиради. Деярли кўпгина мактаблар спортнинг қайсидир турига ихтисослаштирилган. Шу туманларнинг кўпгина боғчаларида спорт йўриқчиси ва тренерлик штатлари очилибди. Бу келажакка шаҳримиздан таниқли спортчилар, тафаккури кенг инсонлар етишиб чиқишига замин яратади, албатта.

Хўш, муваффақиятнинг калити нимада? Энг аввалам бор ишнинг тўғри ташкил қилинганида. Бундан ташқари ўша масканлардаги мутасаддиларнинг касбига меҳр қўйганлигида бўлса керак. Яна ким билади. Аммо, бизнинг назаримизда тушган юмушлар, шароит шундай дейишга имкон бермоқда.

Донишларнинг бир гапи бор: ўқитувчи бўлма, мураббий бўл. Ҳақ гап. Зотан, мураббий инсонни камолотга етказувчи зотдир. Дунё яралибдики, ёшлар ва кексалар бир-бирини ноҳақликда айблашади. Мактаблардаги бу мувозонат эса ўзгача. Кексалар, ўрта ёшлилар ёшларга кўп ҳолларда кўмак беришади, керакли маслаҳатларини аяшмайди. Бунга мактаб ҳаётидан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, шаҳримиздаги 23-мактаб ўқитувчиси Г. Гиёсовни олдиган бўлсак, унинг 100 га яқин шогирди бугунги кунда пойтахтимизнинг турли мактабларида ёшларга сабоқ бермоқда.

Ҳар ишнинг ибтидоси ва интиҳоси бўлгани каби ютуқлар яқин кунлар, йиллар ичида ўз натижасини кўрсатади. Асосийси, бизда бунга имконият бор. Эртанинг эртаси, ойдинлиги қилинаётган ишлардан аён. Зеро, ютуқлар, эришилган натижалар ўзимизники. Қолаверса ҳали олдинда қилиниши керак бўлган юмушлар ҳам оз эмас.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
журналист.

СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги болалар масканларида ёш авлодни ҳар томонлама чиниқтириш йўлидаги тадбирлардан лавҳалар.

Футбол

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Ўзбекистон кубогининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Тошкентда «Пахтакор» — МҲСК, Янгиерда «Дўстлик» — «Нефтчи» жамоалари майдонга тушди. МҲСК стадионидаги учрашув ниҳоятда кескин ўтди. Буни ўйинчиларга берилган огоҳлантиришлардан ҳам билса бўлади.

Учрашув меҳмонларнинг ҳужуми билан бошланди. Учинчи дақиқадаёқ «Пахтакор» дарвозаси олдида хавфли вазият содир бўлди. Орадан икки дақиқа ўтиб, Мурод Отажонов қулай имкониятни бой берди. Тўққизинчи дақиқада ҳисоб очилди. Тўпнинг муаллифи — Шуҳрат Раҳмонқулов — 1:0.

Шундан кейин пахтакорчилар ҳам ҳужумга зўр берди. Кетма-кет уринишлар ўзининг самарасини берди. 24-дақиқада Равшан Бозоров ҳисобни тенглаштирди — 1:1. 27-дақиқада Дилмурод Назаровнинг кучли зарбасини дарвозабон Юрий Шейкин аранг қайтариб қолди.

Иккинчи бўлимда ҳар икки томон бир неча бор қулай имкониятларга эга бўлди. Ярим ҳимоячи Николай Ширшов майдондан четлатилди. Шундай бўлсада, пахтакорчиларнинг ҳужумлари сусаймади. 72-дақиқада Равшан Бозоров мезбонлар ўйинчисини алдаб ўтиб, тўпни Дилмурод Назаровга оширди. Дарвозабоннинг олдинга югуриб чиққанини кўрган моҳир ҳужумчи тўпни унинг бошидан ошириб дарвоза тўрига туширди.

Ўтказиб юборилган тўпдан сўнг ўйин жиддий тус олди. Майдон эгалари кетма-кет ҳужумлар уюштирди. «Пахтакор» жамоаси томон жарима тўпи белгиланди. Ошириб берилган тўпни Равшан Дўрмонов дарвозага йўллади: 2:2. Бу ҳисоб учрашув охиригача ўзгармади.

Шуни таъкидлаш керакки, пойтахт жамоаларининг учрашувида жуда кўп ўйинчилар огоҳлантириш олди. Ширшов майдондан четлатилди. Ўйинчилар тўпни бир-бирларига оширишда хатога йўл қўйдилар. Ўйингоҳга ташриф буюрган мухлислар ҳар икки томондан чиройли ўйин кутганди. Афсуски, олий табақага ўрнак бўладиган севимли жамоаларимиз ўйинчилари бир-бирларига ҳурматсизлик кўрсатди. Бу тартибсизликлар эса ҳакам томонидан муносиб «тақдирланди».

Пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоаси «Нефтчи»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финал бахсида тўп сурадиган жамоалар 2 ноябрь куни бўлиб ўтадиган такрорий учрашувда аниқланади.

Раҳим ТЎРАЕВ.

Лўқма

«ВАДАБАНГ»

Тошкентдай шаҳри азимда нима кўп — гавжум кўчалар, бозору сайилгоҳлар кўп. Пойтахт марказидаги «Сайилгоҳ» кўчаси қадим-қадимдан гавжум бўлиб, одамлар мириқиб дам оладиган масканга айланган. Қолаверса, бу кўчанинг бир томони Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг муборак пойига, ҳазрат номидаги хиёбонга олиб чиқади.

Улуғ Соҳибқирон ҳайкалини зиёрат қилгач, яна йўлимиз ўша «Сайилгоҳ» кўчасига тушади. Бу ерда ҳар икки томонда саф тортган емакхоналар, чойхона, қаҳвахоналар, музқаймоқхонаю, турли-туман расталар... Айниқса, ҳамиша ҳозиру нозир сувраткашларни, мусаввирларни айтмайсизми? Ҳар ҳолда бу ердан ҳамма нарсани топиш мумкин. Муҳими мириқиб, ҳордиқ чиқарасиз.

Аммо... Ҳа, ҳар таёқнинг икки томони, минг яхшининг бир ёмони бор, деганларидек: «Сайилгоҳ» кўчасининг ҳам бир аммоси, битта лекини бор...

Яқинда Фарғона водийсидан қадрдон дўстим меҳмон бўлиб келди. Меҳмон атойи худо. Хуллас калом, меҳмонни бошлаб «Сайилгоҳ» кўчасига чиқдик. Билмадим, биз шаҳарликлар шунчалик бефарқ бўлиб кетганмизми... Меҳмон бу кўчага кириши билан тайсаллай бошлади: «Бошқа жойда чойхона йўқми? Бу ер жуда шовқин-суронли жой экан».

Зийрак тортиб, атрофга назар ташладим. Меҳмон тайсаллаб қолганича бор экан: салкам минг қадам ҳам келмайдиган ораста кўчанинг (ҳа, ҳа, ишонаверинг) тўрт ерига қўш карнайли овоз кучайтиргичлар қўйилган. Алмойи-алжойи хориж қўшиқлари қулоқни қоматга келтириб, ҳаммаёқни бузвораман, дейди. «Вадабанг»! Бир зумда ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Яна атрофга разм солиб қарадим. Кўчада одамлар гавжум, ҳар ким ўз иши, ўз хаёли билан банд. Ҳеч ким: «Ҳой бола, нега бу қадар шовқин солмасанг», демайди. Қандай мусиқа эканлигини ҳам ажратиб бўлмайдиган бу шовқиндан бир амаллаб қочиб, кўчани тарк этдик.

Энди бунақа шовқин-суронли «ашула»ларнинг кимга кераклиги ҳақида бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Овоз кучайтиргич карнайларни варанглатиб, хориж ашулаларини тарғиб қилаётган ва шу ўринда ана шунақа кассеталарни сотаётган бир гуруҳ ёшгина йигитчаларга нима ҳам дея оласиз? Улар бошларини солинтириб, худди зикр тушаётгандек, зўр бериб, тебраниб ўтиришади: «Бам, бўм, бом, бака-бом» янглиғ мусиқалар овозаси эса оламни тутади. Уларнинг атрофдагилар ороми билан сариқ чақачалик ишлари йўқ. Кассеталарини пулласалар бас.

Шуниси ажабланарлики, бир пайтлар чекка-чеккалардаги торгина хоналарда овоз ёзиш студиялари бўларди. Уларнинг ҳеч кимга зарари тегмасди. Аудио ва видеолар асри бўлмиш шу кунларда техника бундай студияларни ёриб чиқиб кетганлиги ҳам рост. Аммо, ҳамма нарсанинг ўз меъёри, ўз ўрни бўлиши керак-да! Қолаверса, бундай кассеталарни сотиш учун шаҳарда холироқ жой топилмайдими?

Бу сершовқин «кассетачи»ларни ким тергаб қўядию уларнинг мутасаддилари кимлар? Ахир шовқин-суроннинг ҳам чегараси бор-ку! Йўлда бирор машина сигнал чалиб қўйса, нозирлар жарима олади. Бу «мусиқафурушлар» қулоқ пардангизни ёрса ҳам, уларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» демайдими?

Шавкат ТУРОБ.

Билиб қўйган яхши

ҚАҲВА ҲАҚИДА

Айтишларича, қадимда бир чўпон эчкиларнинг одатга хилоф равишда серҳаракатлигига ҳайрон қолган. Кузатувлар натижасида у шуни аниқлаганки эчкилар тоғ ёнбағирларида ўсувчи баланд бутоқ барглари ва мевасини истеъмол қилганларидан сўнг диконглаб, «кайфияти» хуш бўлган. Бошқа одам, яъни маҳаллий черков нозири ўз навбатида чўпон кузатувлари натижасидан ҳайратланиб, ўз руҳонийларини узун тунги ибодат вақтларида мудрашларининг олдини олиш мақсадида бутоқ барг ва меваларини қайнатиб, уларга ичирган.

Нозир ўсимликнинг сеҳрли таъсири борлигига шунда аниқ-тиниқ ишонч ҳосил қилган. Қаҳва, яъни кофенинг тарихи серҳаракат эчкилар ва сергак руҳонийлардан бошланган...

Қаҳва (кофе) дарахти ўз номини Эфиопиянинг жанубий-ғарбидаги тоғлик ҳудуд — Коффа номидан олган.

Рўянгуллилар оиласига мансуб бўлган, доимо кўм-кўк турувчи бу дарахт ва бутоқлар тропикларда ўсади. Уларнинг 5000 дан ортиқ тури мавжуд. Шулардан 50 таси кофелик бўлиб, одамзод фақатгина икки хилини, яъни Арабисон ва Робусту турини маданийлаштирган. Кофе дарахти узоқ умр кўради, ярим асрдан кўпроқ яшаши мумкин, узунлиги 10 метргача етиши мумкин.

Кофе дарахти жуда нозик ўсимлик бўлиб, нолдан 8°С иссиқ ҳароратдан пастида нобуд бўлади. Паст ҳароратни кўтара олмайди. Шунингдек, қуёш нурини ҳам унчалик хуш кўрмайди, ўзидан баланд дарахтлар соясида ўсади.

Кофе дарахтининг ҳақиқий ватани Мозамбик, Ангола, Абиссиниянинг тоғлик жойларидир. Шунинг учун ҳам у тоғлик жойларда ёки баландликларда етиштирилади. Кофе дарахти йил бўйи гуллайди ва мева беради, лекин ундан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Етилган кофе дарахти йилига нари борса, 3 килограммгача кофе донасини беради.

Россияга Петр I томонидан келтирилган чет эл ичимлиги дастлаб «кофий» деб атала бошланган. Вақт ўтиши билан у «кофе» сўзига айланган ва у «кафе» деб аталувчи жойларда истеъмол қилина бошланган.

Қаҳва (кофе) тайёрлашнинг бир нечта усулларини келтирамиз:

ҚАЗАКЧА ҚАҲВА. Чорак қисм ўткир кофе яхнаси, чорак қисм қизил мусаллас, уч қадаҳ арақ, шакар. Барча маҳсулотлар аралаштирилади ва 15 дақиқа давомида ушланади.

БРАЗИЛИЯ ҚАҲВАСИ. 125 грамм шоколод бўлаги майдаланади ва ўткир қайноқ қаҳвада аралаштирилади (ярим чашка қаҳвада). Аралашмани кўпчитиб туриб, уч чашка қайноқ сутга қўшилади. Таъбга кўра шакар қўшилади ва кичик чашкаларга қуйиб чиқилади. Ҳар бир чашкага бир чой қошиқда яхшилаб кўпчитилган қаймоқ қўшиш мумкин.

АСРЛАР БЎЙИ ҚЎЛЛАНИЛГАН МАШҲУР УСУЛ. Қўлда ишлатиладиган кофе майдалагичда (албатта, яхшилаб) майдаланган 10 грамм кофе дони кукуни, 200 грамм сув олиб, мис идишга солинади. Яъни мис идишчага 2 чой қошиқда кофе кукуни солинади, устидан сув қуйилиб, идишча суст оловга қўйилади. Беш дақиқадан сўнг кофе ичимлиги тайёр бўлади.

Латиф ЗАМОН тайёрлади.

Ножўя иш — келтирар ташвиш

ТАЛОНЧИЛИК ОҚИБАТИ

Сирғалидаги «Дўстлик» мавзесида, аниқроғи 98-йўналишдаги автобуснинг охирида икки номаълум кимса шу йўналиш ҳайдовчиси Т. Т.га пичоқ билан тан жароҳати етказиб унинг чўнтагидаги 600 сўмни олиб кўздан ғойиб бўлишади.

Совуқ хабарни эшитган Сирғали тумани ИИБ ДАН ходимлари талончиларни қўлга олиш чорасини кўришди. Тадбирга туман ДАН бўлими бошлиғи, милиция капитани Акмал Ҳожимуродовнинг шахсан ўзи бошчилик қилиб тез орада 1-трамвай саройида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган С. Санжар ва унинг ҳеч қаерда ишламайдиган шериги С. Султонлар қўлга олинди. Талончиларни ушлашда Иброҳимов, Олимов, Унгарбоев, Мамбетқулов, Дўстмуҳамедов каби Сирғали тумани ИИБ ходимлари катта маҳорат кўрсатишди. Энди талончиларга нисбатан одил жазони суд белгилайди.

МОТОРЧИНИНГ «ЖАМПАМАСИ»

Собир Раҳимов тумани ИИБ ходимлари тумандаги «Ижмаш» автосервисида моторчи уста бўлиб ишлайдиган С. Аркадийнинг ечиниб-кийиниш хонасидан ажойиб «топилмани» топишди. Гап шундаки, у ерга 3 та оптик нишонли милтиқ, 3 та старт тўппончаси, 16 калибрли қирқма ов милтиғи ва 50 дона кичик калибрли ўқлар тахлаб қўйилганди.

Ҳозир уста милтиқ ва бошқа нарсаларни қаердан олгани ва нима мақсадда ўз кийиниб-ечиниш хонасига беркитиб қўйганлиги ҳақида терговчига жавоб бермоқда.

Ушбу иш юзасидан бошқа бу масалага таллуқли кишилар ҳам жиноий жазодан қуруқ қолмасликлари учун ҳар томонлама текширув олиб борилмоқда.

МАСТЛИК ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

Яккасарой туманидаги Қушбеги маҳалласида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган С. Ислом ва Т. Дамирлар икковлашиб бир «Жириновский» арағини бўшатишди. Сал камлик қилди шекилли, бир литрлик «Асланов» арағини ҳам кўрдим демай ичиб юборишди. Шишадошлар арақдан тўйиб кайфлари ошгач миялари турли-туман ёмон фикрлар уйғона бошлади. Кўпқаватли уйнинг пастида ялтираб турган «ВАЗ-21011» русумли енгил автомашина Дамирнинг ҳасадини қўзғади. Атрофида ҳеч ким йўқлиги уларга ёмон ниятларини амалга оширишда қўл келди. Дамир машина рулини ўзига яхши таниш бўлган томонга бурди.

Орадан кўп ўтмай Яккасарой тумани ички ишлар бўлими ходимларига машинанинг йўқолганлиги ҳақидаги хабар келиб тушди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида икки автоулов ўғриси қўлга олинди.

Мастлик уларни жиноятга бошлади. Энди кайф тарқагандан кейинги пушаймон ёрдам беролмайди.

ЎЛДИРАМАН ДЕБ ҚЎРҚИТГАНДИ

Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллалардан бирида кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Биз аёлларни ҳар доим ҳурмат қиламиз. Нозик табиатли аёлларни яратганнинг ўзи пардоз-андоз учун, чиройли кийим-кечак тикиб уй бекасидек малика бўлиш учун яратган. Бирок аёл кишининг эркакка пичоқ кўтариб қўрқитганини эшитиб биз бироз таажжубга тушдик. Наҳотки...

Ишонаверинг. Яқинда Шайхонтоҳурдаги бир уйда худди ана шундай воқеа юз берди. Ў. Фазилат қайниси Ж. Бахтиёрни пичоқ билан қўрқитиб ҳаётига хавф солди. Бахтли тасодиф туфайли бу воқеа тинчлик билан тугади.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

1996 йил 2 ноябрдан 11 ноябргача

БОЛАЛАР! СИЗЛАР УЧУН! МАКТАБЛАРНИНГ КУЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА! КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ ЦИРКНИНГ БАРЧА КЎРИНИШЛАРИДА 2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР

Томошалар 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 11 ноябрда соат 12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Касса соат 10.00 дан то соат 18.00 га қадар ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Муҳтарам Наримон Раззоқович Ҳамраев!

Сизни туғилган кунингиз — 23 октябрь билан чин дилдан табриклаймиз. Келгуси ишларингизда муваффақият, ҳаётингизда шарқона босиқлик, сўздаги қувноқлик, узоқ умр, бахт ва саломатлик Сизга умр бўйи йўлдош бўлишига тилакдошмиз.

ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Сино» ишлаб чиқариш-тижорат фирмасининг думалоқ муҳри ва бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: **ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0568. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 5.443 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.